

БОҚИЙ ФИКРЛАР

**Бошим кўкка
тегсин десанг
сен юриб,
Билим билан
қилгин бор
ишни кўриб.**

Юсуф Хос
ХОЖИБ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 17-aprel, shanba № 30 (8263) ISSN 2010-6416

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Президент Дмитрий Медведевнинг таклифига биноан 19—20 апрель кунлари расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлади.

Ташриф асносида Ўзбекистон—Россия ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар муҳокама этилади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2010 йил 16 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йил биринчи чорагидаги якунлари кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан республика ҳукуматининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазилари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Мажлисида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари, макроиқтисодий мувозанатлилини, иқтисодий юксалтиришнинг барқарор суръатларини таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.
(Давоми 2-бетда.)

ЯНГИЛИК, ИЛҒОР ТАЖРИБА ВА ТАШАББУС БАҲСИ

Ҳар қандай танловда иштирокчининг мақсади битта — ғолиблик шоҳсупасига чиқиш. Аммо, айти кунда ўтаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови республика босқичи ўз моҳиятига кўра бошқа синовлардан тубдан фарқ қилади. У янгиликлар намойиши, илғор тажрибалар ва ташаббуслар сарҳисобидир. Шунинг учун ҳам унда ғолиб фақат — ЎҚУВЧИ. Зеро, ҳар бир иштирокчининг ўқитишдаги ўзига хос кашфиёти, пировардида, ўқувчининг, келажак авлоднинг истиқболига хизмат қилади.

...Бир неча йилдирки, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови республика босқичида иштирок этган ва этаётган ўқитувчилар худди ана шундай ҳолатни бошдан кечиришади. Бу йилги кўрик-танлов ҳам 14 апрелдан бошланиб, 14та фан бўйича 14та ҳудуддан биринчи ўринга муносиб деб топилган ўқитувчиларни дўстона руҳдаги ва ижобий маънодаги ўзаро беллашувга чорлади.

Пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларидан бир нечасида даставвал она тили ва адабиёт, математика, биология, рус тили ва адабиёти, инглиз ва немис тиллари,



“Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi — 2010”

Burhon RIZOQULOV olgan suratlar.

шунингдек, қардош қозоқ тили бўйича замонамизнинг энг фаол, ўта зукко, ўзига хос тажриба мактабини ярата олган, кенг мушоҳадали, қисқаси, барча ижобий хислатларни ўзида мужассамлаштирган ўқитувчилар ўз маҳоратини намойиш этишга киришди. Уч кун давом этган ва бугун якунланаётган ўқитувчилар ўртасидаги мусобақа чинакам ижодий муҳитни юзага келтирди. Ким қандай дарс ўтади? Дарсликка муносабат билдиришда кимнинг фикри «тош» босади? Амалий жиҳатдан ижодий фикрни ифодалашда қайси жиҳатга эътибор қаратиш лозим? Бир соатлик дарсида қандай кашфиётлар ярата олди? Ҳар бир иштирокчи шундай саволлар қуршовида бўлганлиги табиий.

(Давоми 3—5-бетларда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ- ҲАРАКАТ

у қандай
натижаларни
берди?

7-бет

БОЛАН- ГИЗНИНГ МУРУВВАТИ

қачондан
шакллана
бошлашини
биласизми?

8-бет

“ИЖОДКОР БОРЛИҚНИ АНГАЙ ОЛИШИ ЛОЗИМ”

11-бет

АХБОРОТ- ЛАШГАН ЖАМИЯТДА ИНТЕРНЕТ

ёхуд унинг
«беминнат»
хизмати

12-бет





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қайд этиб ўтилдики, иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларининг, 2009—2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури тадбирларининг тизимли ва изчил амалга оширилиши тўғрисида нафақат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий таъсирининг олдини олиш, балки макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари ҳам таъминланмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,6 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,1 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 12,2 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 20,1 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Экспорт салоҳиятини ошириш ва мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларини янги ташқи бозорларга чиқариш юзасидан амалга оширилаётган тизимли ишлар экспорт ҳажмларининг 22,1 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмаси бўйича салмоқли ижобий сальдога эришишни таъминлади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,6 баравар кўп ўзлаштирилди. Техник жиҳатдан модернизациялаш бўйича 29та лойиҳани амалга ошириш тугалланди, 118та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш жараёнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпайишини таъминлайдиган стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича ишларнинг самарадорлигини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қaratилди. 2010 йилда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир 418 та лойиҳа бўйича объектларнинг фойдаланишга топширилиши мўлжалланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Нооziк-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, улар билан ички истеъмол бозорини тўлдириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш масалалари ҳар томонлама таҳлил қилинди. Қайд этиб ўтилдики, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларига берилган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари, тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал соҳасига йўналтирилган кредит қўйилmalarининг ўсиши тўғрисида жорий йилнинг биринчи чорагида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, шу жумладан, нооziк-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9 фоизга кўпайди.

Мажлисда муҳокама қилиш давомида «Ўзбек-кенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси раҳбарлари фаолиятига танқидий баҳо берилиб, улар зиммасига республика энгил саноатини янада ривожлантириш, шу жумладан, сифатли, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, экспорт ассортиментини кенгайтириш, янги истиқболли бозорларни излаш, тармоққа тўғридан-тўғри инвестицияларни ва замонавий технологияларни жалб этиш бўйича вазифалар қўйилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда шу билан боғлиқ бўлган аҳоли даромадларини кўпайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш муаммоларини ҳал этиш энг муҳим ва асосий вазифалар жумласидандир. Шу муносабат билан мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилиши муфассал таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, тизимли ва аниқ мақ-

садга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жорий йил бошидан буён республикада 215,4 мингта янги иш ўрни ташкил этилди, шундан 150,1 мингтадан кўпроғи ёки қарийб 70 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Касаначиликни ва халқ хунармандчилигини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида кўшимча равишда 53,1 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлади.

Муҳокама давомида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги мавжуд захираларни сафарбар этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Касаначиликни, энг аввало, саноат корхоналари билан кооперациялашув асосида ривожлантириш, жорий йилнинг биринчи чорагида 135,4 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишини янада қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни кучайтириш муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда мамлакатимизда соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тадбирларининг амалга оширилиши муҳокамасига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Давлат дастури тадбирларини амалга оширишга 1,4 триллион сўм ва 25,4 миллион АҚШ доллари йўналтирилди.

Оналарнинг репродуктив саломатлигини ва болаларни ҳимоя қилишни янада яхшилаш, устувор равишда профилактикавий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, соғлом авлодни шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Таълим муассасалари ва болалар спорти объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётни такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, шу жумладан, 1551та мактабни компьютер техникаси билан, шунингдек, қишлоқ жойлардаги 316та мактабни ўқув-лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ёшлар учун 106,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Ёш оилаларнинг турар-жой шароитини яхшилаш мақсадида уларга 23,8 млрд. сўм миқдоридagi имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбарларининг эътибори қатъий маънавий-ахлоқий эътиқодга ва уйғун дунёқарашга эга бўлган, четдан бўладиган ғоявий ва маънавий таҳдидларга, турли иллатларга қарши туришга қодир бўлган ёшларни тарбиялашга доир ишларни янада кучайтириш муҳимлигига қаратилди.

Шу билан бир қаторда, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига Давлат дастурида назарда тутилган ҳар бир тадбирнинг амалга оширилишини жадаллаштириш юзасидан аниқ вазифалар юкланди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва республикадаги йирик корхоналар ҳамда вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика ҳукумати мажлиси кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилиш яқунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, уларда 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

(ЎЗА)

So'z — konferensiya ishtirokchilariga

Аввал хабар қилинганидек, Тошкентда 12 апрель куни «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН БОШҚА МАМЛАКАТЛАР ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Александр ГАПОНЕНКО, Европа тадқиқотлари институту президенти, иқтисод фанлари доктори (Латвия):

— Ўзбекистонга биринчи келишим. Юксак савияда ташкил этилган ушбу конференцияда мамлакатингизда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан танишдим. Мазкур анжуман, шунингдек, Ўзбекистоннинг аксилинқироз дастури билан яқиндан танишиш, бу борада турли мамлакатларнинг етакчи экспертлари, олим ва мутахассислари билан ўзаро фикр ва таҳриба алмашиш имконини берди.

Шуни алоҳида эътироф этишни истардимки, Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатни янада модернизация қилиш ва янгилаш бўйича кенг қамровли ислохотларни чуқурлаштиришга доир катта таҳрибаси кўплаб давлатлар учун барқарор ривожланиш намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Президент Ислам Каримов раҳнамолигида пухта ишлаб чиқилган ушбу дастур Ўзбекистонда юксак самаралар бермоқда: иқтисодиётнинг барча соҳалари, хусусан, саноат тармоқлари маҳсулотларига бўлган талаб ошиб, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Наталья ЗАХАРОВА, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) бош сиёсий маслаҳатчиси:

— Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг барча мамлакатлари, энг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига ҳам катта зарар етказди. Давом этаётган бундай мураккаб шароитда «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция жуда долзарб аҳамият касб этди. Бойси, глобал иқтисодий инқироз таъсиридан деярли зиён кўрмаган Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш йўли — таҳрибаси бошқа мамлакатлар учун ўрнак бўлишга лойиқ.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури инқирозгача бўлган даврдаги самарали иқтисодий сиёсат, инқироз оқибатлари таъсирини юмшатиш, реал сектор тармоқлари ва ижтимоий соҳани уйғунликда ривожланти-

ришга қаратилган изчил ислохотларни қамраб олгани тўғрисида ҳам жуда самаралидир. Изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя жалб этиш кўламли кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Улкан салоҳиятга эга Ўзбекистоннинг чуқур ва пухта ўйланган стратегияси бошқа мамлакатлар учун ҳам жуда фойдалидир.

Ўзбекистонда ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги ишлар бераётган самаралар ҳам юксак эътирофга лойиқ.

Тошкентда ўтказилган мазкур конференция ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, кенг кўламли таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» халқаро ҳам-жамиятнинг юксак эътирофига сазовор бўлганининг яна бир далилидир.

Алан ФРАНС, Тошкент Халқаро Вестминстер университети ректорининг ўринбосари:

— Конференция Ўзбекистонда глобал иқтисодий инқироз таҳдидларига қарши туришга қаратилган чора-тадбирлар самаралари, инқироздан кейинги даврда ривожланишнинг устувор йўналишлари билан танишиш ва таҳриба алмашиш имконини берди. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун муҳим амалий қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Жаҳонда иқтисодий кўрсаткичларнинг муттасил пасайиб кетаётганига қарамай, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг ривожланаётгани, экспорт кўрсаткичлари ошаётгани, хорижий инвестициялар кенг жалб этилаётгани диққатга сазовор.

Ўзбекистонда ёш авлодга пухта билим бериш баробарида, барча соҳалар учун малакали мутахассислар тайёрлашга катта эътибор қаратилаётгани ҳам алоҳида таъкидлашни истардим. Таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар узлуксизлиги ва босқичма-босқичлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

**ЎЗА мухбирлари
Мадина УМАРОВА,
Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.**




ЯНГИЛИК, ИЛФОР ТАЖРИБА ВА ТАШАББУС БАҲСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

НОТАНИШ МАКТАБДАГИ ИЖОДИЙ БЕЛЛАШУВ

Яккасарой туманидаги 91-умумий ўрта таълим мактабига эрта тонгдан йиғилган муаллимлар уч гуруҳга бўлинган ҳолда беллашувга киришдилар. 5 нафар ўқитувчи дарс ўтишга, 5 нафари амалий машғулотга, 4 нафари дарслик учун аннотация ёзиш учун тарадуд кўришар экан, ташкилий кўмита ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари уларга шартларни қандай тартибга кўра бажариш юзасидан



яна бир қарра кўрсатма бериш ўтдилар.

...Ҳозиргина синов дарсини ўтиб чиққан Наманган шаҳридаги 31-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Моҳира Маматова ўз таассуротларини шундай ифодалади:

— 32 нафар нотаниш ўқувчи билан Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидасини ўргандик. Худди қадрдон ўқувчиларим даврасига кириб қолгандай бўлдим. Улар ҳам мени ўз муаллималари каби қарши олдилар. Синф ўқувчиларини тўрт гуруҳга бўлиб, «Ким топқир?» ўйинини қўладим. «Маънавият гуллари»да ўқувчилар ўзбек халқининг хислатларини санаб бердилар. Проектор орқали слайдлардан фойдаланишим ўқувчилар диққат-этиборини тортди.

Дарвоқе, она тили ва адабиёт бўйича турли мавзуларда ўтилган дарслар бир-бирини такрорламас ва бир-бирига ўхшамас эди. Зеро, ҳар бир ўқитувчининг мавзуга ёндашиш услуби ва ўзига хос методик кашфиёти бор.

Дарсларни кузатиш ва таҳлил қилишга жалб этилган эксперт комиссияси таркиби она тили ва адабиёт бўйича етук мутахассислардан, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови голибларидан шакллантирилган. Экспертлардан бири — 2008 йили ана шундай кўрик-танловда бирин-

чи ўринга сазовор бўлган андижонлик муаллима Ирода Мамадалиева шундай фикр билдиради:

— Намунавий дарс ўтиш танловнинг энг муҳим турларидан бўлиб, у бир қанча мезонларга кўра баҳоланади. 14та талабни ўз ичига олган мезонга кўра иштирокчи максимал 35 балл тўплаш имконига эга.

Экспертлар намунавий дарсни Низом талабларига мувофиқ баҳолашда холисона, бамаслаҳат иш кўришяпти. Шубҳасиз, 100 баллик натижада иштирокчиларнинг ушбу тур бўйича

на кўриниши» шартини адо этадилар. Ушбу турда уларнинг иш тажрибалари тақдироти билан биргаликда педагогик рингдаги маҳорати аниқланади.

МАРРАГА ОЗ ФУРСАТ ҚОЛДИ

Чилонзор туманидаги 178-мактабда ҳам инглиз тили фанидан «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтмоқда. Айна пайтда иштирокчи ўқитувчилар танловнинг учта шarti, яъни бир соатлик намунавий дарс, амалий ва дарсликка аннотация ёзиш бўйича ўз маҳорат ва билимларини синовдан ўтказишяпти.

Танлов ҳар йилгидек, кўтаринки кайфият ва катта тайёргарлик билан бошланди. Биринчи кунданок турли вилоятлардан келган ўқитувчиларнинг ўз мактаб ва ҳудудлари шаънини ҳимоя қилишга астойдил бел боғлаганлиги уларнинг гайрат ва шижоати акс этиб турган юзларидан ҳам сезиларди.

Озгина ҳаяжон билан шартларни бажаришга ки-



ришган ўқитувчиларни биз ҳам кузата бошладик. Мана, қашқадарёлик Манзура Мамараҳимова 6-синфда дарс ўтмоқда. Гарчи қайси мавзуда дарс ўтишини атиги бир неча соат олдин билган бўлишига қарамай, ўқитувчи мавзуга доир турли кўргазмали қуролларни тайёрлаб келишга улгурибди. Тўғри, илк дақиқаларда нотаниш мактабнинг нотаниш ўқувчилари билан тил топишиб кетиш бироз қийин бўлди. Аммо дарс жараёнида ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам бир-бирларини тушуниб олишди.

Бошқа хонада яна беш нафар ўқитувчи диққат билан дарсликка аннотация ёзаётган бўлса, нариги хонада яна беш нафар иштирокчи ҳозиргина танлаган мавзулари бўйича амалий

машғулот бажариб, ўз фикрларини қоғозга тушириш билан банд...

Мана, белгиланган вақт ўз поёнига етгач, бирин-кетин иштирокчилар чиқиб кела бошлашди. Табиийки, биз уларнинг таассуротлари билан қизиқдик.

— 5-синф инглиз тили дарслигига аннотация ёздим, — дейди Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси Феруза Эрқулова. — Аннотацияга китобнинг ютуқлари билан бирга иш жараёнида ўзим кузатган тақомиллаштиришга муҳтож жиҳатлар, ўқувчиларим томонидан билдирилган фикрларни ҳам киритиб ўтдим. Масалан, дарсликда айрим грамматик машқлар 5-синф ўқувчисига қийинчилик туғдиради. Лекин дарсликдаги ҳар бир бобнинг мавзулари бир-бирига боғлиқ, кетма-кетликда берилганки, бу унинг ютуқларидан бири.

— «Ўқувчиларнинг таржима қилиш кўникмасини ривожлантиришда грамматик машқлардан фойдаланиш» мавзусида амалий иш ёздим, — дейди Қўшработ туманидаги 81-мактаб

қўйиши мумкин. Таржимада феъл замонлари ва сўз туркумларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Сўзларни ўрганганда, уларнинг қайси сўз туркумига оид эканлигини ўқувчи унутмаслиги керак.

Фикр-мулоҳазалар кўп, уларни бир мақсадга йўналтириш мумкин: бугунги ўқитувчи таълим жараёнини ривожлантириш ва тақомиллаштириш хусусида қайғуради.

Айна пайтда ўқитувчилар ўртасидаги қизгин беллашув якуний босқичга кирди.

БУ МАЙДОНДА — САРАЛАНГАНЛАР

Ўз вилоятида голиб деб топилган, билим, иқтидор ва тажрибаларига суяниб, ушбу кўрик-танловининг республика босқичида муносиб иштирок этиш ҳамда голибликни қўлга киритишни мақсад қилиб олган 14 нафар математика фани ўқитувчиси Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган мактабда ўз маҳоратларини синовдан ўтказишмоқда.

Иштирокчилар кўрик-танлов низомига мувофиқ белгиланган тартибда танлов шартларини бажаришга киришдилар. Жумладан, бир гуруҳ ўқитувчилар турли интерфаол усуллар, мульти-медиа воситалари ва кўргазмали қуроллардан фойдаланиб, намунали дарс ўтаётган бўлса, яна бир гуруҳ педагоглар математика, алгебра ва геометрия фанлари ўқув дарсликларида аннотация ёзиш ва амалий машғулотда масалалар ечиш билан машғул бўлди. Уларнинг бажарган ҳар бири, топшириқларга нисбатан ёндашуви ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан назорат қилиниб, тасдиқланган мезонлар асосида баҳолаб борилди. Хусусан, аннотация ёзиш шартида педагог ўзига берилган дарсликнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурига мослигини таҳлил этиши, унда берилган мавзулар фанлараро боғланганлигига фикр билдириши лозим эди.

(Давоми 5-бетда.)





«Йилнинг энг яхши фан методбирлашмаси» кўрик-танловини ўтказишдан кўзланган мақсад нима? Бундай танловлар нима учун ва қай тартибда ўтказилади? Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туман халқ таълими бўлими методика кабинети ташаббуси билан мана уч йилдирки, туманда «Йилнинг энг яхши фан методбирлашмаси» кўрик-танлови ўтказилиб келинмоқда.

Таълим муассасасида методбирлашма фаолияти тўғри ташкил этилса, ўқув жараёнидаги сифат ва самарадорликни оширишга сезиларли ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу кўрик-танлов ана шу эҳтиёжлардан пайдо бўлиб, таълим муассасаларидаги методбирлашма раҳбарлари орасидан илғор, ташаббускор ва ижодкор ўқитувчиларни аниқлаб, улардаги ижодий қобилият, касбий маҳоратни рўйбга чиқаришга кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, аниқланган илғор тажрибаларни оммалаштириш, тарғиб этиш мақсадларида ташкил қилинмоқда.

Танлов ишлаб чиқилган Низом ва баҳолаш мезонлари асосида икки босқичда — худудий

ФАН МЕТОДБИРЛАШМАЛАРИ — ИМКОНИЯТЛАР БЕШИТИ

ва туман босқичида ўтказилади. Худудий босқичда худуддаги барча таълим муассасаларининг методбирлашмалари иштирок этади. Ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаш мезонлари асосида барча методбирлашмалар фаолияти баҳоланади. Баллар йиғиндиси мактаб методбирлашмалар сонига бўлинади ва мактабнинг ўртача бали аниқланади. Туман босқичига номзодлар энг юқори балл тўплаган мактаблардан белгиланади.

Ўтган йилларда кўрик-танловнинг биринчи босқичи мактабларда ўтказилди. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатадики, кўпинча мактабда асосий эътибор битта фан методбирлашмаси ишига қаратилади. Бошқа методбирлашмалар эътибордан четда қолади. Худудий босқичда эса мактабнинг муваффақияти учун барча методбирлашмалар ҳаракат

қилади. Айтайлик, битта мактабнинг алоҳида методбирлашмаси юз имкониятдан 93 балл, иккинчи мактаб вакили 85 балл тўпласин, биринчи мактабнинг умумий тўплаган ўртача бали иккинчи мактабдан кам бўлса, туман босқи-

Tajriba



чиди иштирок этиш учун вакил иккинчи мактабдан тавсия этилади.

Умумий ўрта таълим мактаби фан методика бирлашмалари тўғрисидаги Низом асосида методбирлашманинг барча қирралари ҳисобга олинади. Яъни методбирлашманинг иш режаси, унда таълим соҳасидаги долзарб масалалар жой олганлиги, методбирлашма йиғилишлари ва унинг расмийлаштирилган ҳужжатлари йиғма жилди, методбирлашма

раҳбари ва аъзоларининг ўзаро дарс таҳлиллари шулар жумласидандир. Янги педагогик технологиялар асосида намунали очиқ дарсларнинг ташкил этилиши, синфдан ташқари тадбирлар, ўтказилган олимпиада ҳужжатлари, фанлар бўйича ДТС талаблари бажарилиши мониторинги ва аниқланган бўшлиқларни тўлдириш механизми ҳам методбирлашмалар эътиборидан четда қолмайди. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш, фанлар кесимида мураккаб мавзуларни аниқлаш ва шу мавзуга оид дарс ишланмаларини ёзиш, фан ойликлари, методбирлашма аъзоларининг вақтли матбуотдаги чиқишлари ёки уларнинг фаолияти ҳақидаги материаллар, тўғрак ишлари, методбирлашмани методик ва илмий адабиётлар билан бойитиш фаолияти, методбир-

лашма аъзоларининг мониторинги ва рейтингини аниқлаш, малака ошириш курсидан ўтганлар рўйхати ва уларнинг ижодий ҳисобот дарслари каби кўрсаткичлар бирлашма фаолияти билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинади, баҳоланади.

— Шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, мактабларда методбирлашмалар фаолияти жонланди. Таълим сифат ва самарадорлигини, ўқитувчининг касбий малакасини оширадиган, педагогик маҳоратига сайқал берадиган ва улар фаолиятини назоратга оладиган, ишини мувофиқлаштирадиган, меҳнатини рағбатлантиришга йўл очадиган асосий масъул тузилма бўлган методбирлашмалар таянч кучимизга айланди. Мактаб раҳбарлари ҳам энди ҳар бир ўқитувчининг фаолиятини эмас, методбирлашма фаолиятини назоратга оладиган бўлди. Бирлашмалар иши муайян бир изга тушди. Ўқитувчилар орасида ижодий рақобат пайдо бўлади, — дейди туман халқ таълими бўлими методика кабинети мудир Давлат Маҳмудов.

Жамила ЭШОНҚУЛОВА.
Сурхондарё вилояти

ҲАР БИР БОЛА ЎЗГАЧА ОЛАМ

Умрининг ҳар дамани ганимат билиб, бетакрор меҳнатлари ила кўпга бош бўлаётган, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида тиним билмай меҳнат қилаётган аёлларимиз талайгина. Ана шундайлардан бири Манзура Носировадир. Манзура опа мана бир неча йилдирки Янгиқўрғон туманидаги 8-мактабгача таълим муассасасига мудирлик

қилиб келмоқда. Унинг кўнглидаги болаларга нисбатан меҳр-муҳаббат, меҳнатга бўлган гайрат-шижоат эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор қозонишига сабаб бўлаётир.

Биз Манзура опа билан суҳбатлашар эканмиз, ҳар қандай муваффақият замирида аввало, мустақил билим ва тажриба ётишини ҳис этдик.

— Ўқиб-ўрганиш, ўз ишининг устаси бўлиш инсонни камолотга етаклайди, — дейди у. — Айниқса, бизнинг касбимизда билимли бўлиш беғубор болалар оламини чуқурроқ англаб, улар дунёсини кашф этишга замин яратади. Шунинг учун ҳам тарбиячи-педагогларимиз жажжилар даврасидан узоқлашишмайди. Уларга яхши таълим-тарбия беришга ошиқадилар.

Шундан сўнг, гуруҳларга кирдик. Болаларнинг шўх ва кувноқ кайфияти, ўзларини эркин тутиши, саволларга эса бийрон-бийрон жавоб бериши машғулотларнинг янада мазмунли ва қизиқарли ўтишига туртки бўлмоқда.

Бугунги кунда мазкур боғчада 94 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Муассасанинг ясли, логопед ва тайёрлов гуруҳларида Тамара Абдурахмонова, Дилором Отахонова, Инобат Қозоқова, Шоира Султонова, Маҳмуда Ғоятова, Ҳавохон Ғофурова, Замира Абдуллаева, Ҳамрохон Акбарова сингари тарбиячилар болажонлар тилини топишга ҳаракат қилаётир. «Учинчи мингйилликнинг боласи» Давлат дастури эса уларга асосий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

— Гуруҳимизда 12 нафар нутқидан нуқсонли болалар тарбияланади, — дейди ўрта логопед гуруҳи тарбиячиси Дилором Отахонова. — Болаларимизни ташхис маркази текширувидан сўнг қабул қиламиз. Шифокоримиз Майрамхон Асадуллаева ҳар куни уларни назорат қилиб туради. Тарбияланувчилар билан кўпроқ нутқ ўстириш машғулотларини олиб борамиз. Уларга ҳар бир ҳарф, сўз талаффузини ўргатамиз. Базан бир ҳарф устида тўрт-беш кунлаб ҳам ишлаймиз. Ҳаракатларимиз зое кетмаяпти. Иккинчи чорак давомиди гуруҳимиздаги Зиёда Акбарова, Шоҳрух Муҳаммаджонов, Азиза Эргашева, Ҳусанбой Тожибоевнинг нутқи анча яхшиланди. Эндиликда уларни соғлом гуруҳларга чиқармоқчимиз.

Maktabgacha ta'lim muassasalarida



Шунингдек, бу гуруҳда ўтилатган «Оқ теракми, кўк терак?», «Ердан баланд, осмондан паст», «Тўпни ташла», «Орқага ташлаш», «Зағизгон», «Айиқ полвон боғида» каби ранг-баранг ҳаракатли ўйинлар ҳам кичкинтойларнинг нутқи ва жисмоний саломатлигига катта фойда бермоқда. Манзура опа эса гуруҳлардаги таълим-тарбия жараёнларини, тарбиячилар ишини доимий равишда кузатиб боради.

— Муассасамизда барча шарт-шароитлар муҳайё, — дейди спорт мураббийси Дилдора Абдуллаева. — Болалар майдончасида машғулотлар ўтганди. Болаларимиз кўпроқ энгил атлетика машғулотларига қизиқишади. Мудира опамиз эса ҳар йиғилишда боланинг хоҳиш ва истакларини кўпроқ эътиборга олишимизни уқтиради. Шунинг учун болаларимизда таълим-тар-

бия олишга иштиёқ кучли. Биз эса уларнинг кўнглига йўл топаямиз.

— Боғча болани мактабга тайёрлайдиган меҳр-муҳаббат муассасаси, — дейди психолог Муниса Болтаева. — Шунинг учун тарбияланувчиларимизнинг руҳиятини ҳам ўрганиб тураемиз. Улар билан кўпроқ яқка тартибда ишлаймиз. Ҳар бир бола ўзгача олам. Бу бўйича тарбиячиларга маслаҳатлар берамиз. Мақсадимиз, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдир.

Хуллас, 8-МТМда юртимиз эртаси, мўъжизалар ичра буюк мўъжиза бўлган болажонларимизнинг бахтли-саодатли бўлиши йўлида сидқидилдан меҳнат қилинмоқда. Кувноқлар масканидаги келажак дилбандларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва таълим-тарбия эса давр талабига мосдир.

Пўлат ҲАМДАМ,
«Ma'rifat» мухбири

Milliy dastur — amalda

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига монанд равишда фаолиятимизни ташкил этаётганлигимиз, компьютер технологиялари ва замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган илм масканимизда ҳар бир дарсни ноанъанавий усулларда олиб бораётганлигимиз ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига, машғулотларда фаол иштирок этишига туртки бўлди.

Ҳар бир таълим даргоҳида худуд инфратузилмасини ривожлантириш учун зарур бўлган янги мутахассисликлар очиш вазифасига биноан 2009—2010 ўқув йилидан бошлаб коллежда тиббий-ижтимоий ёрдам мутахассислиги очилди ва айни пайтда бу бўлимда 300 нафар ўқувчи малакали ва тажрибали

Янги йўналиш учун ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК

шифокор, профессор-ўқувчилар кўмагида билимини мустаҳкамламоқда. Бўлғуси саломатлик посбонлари учун ҳамширалик иши кафедраси мудир, врач-педиатр Сайёра Шомирзаева, кимё-биология кафедраси мудир Насиба Раҳмоновалар раҳбарлигида педагоглар тиббиёт соҳасига оид ўндан ортиқ маъруза матнлари, электрон дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар яратилди.

Коллежда фаолият кўрсатаётган кафедралар томонидан бугунги кунгача барча умумтаълим, мутахассислик ва махсус фанлар бўйича маъруза матнлари, электрон дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилди. Ўндан ортиқ ўқитувчиларимизнинг педагогик тажрибаси республика ўрта махсус, касб-хунара таълими тизимидаги ўқув даргоҳларида оммалаштирилди. Ахборот-ресурс марказида Республика ва маҳаллий матбуот нашрларидан, ижтимоий-сиёсий адабиётлардан, фанга оид қўлланмалардан, бадий китоблардан фойдаланган ҳолда ёшлар дунёқарашларини бойитишмоқда.

Коллежда 4та компьютер синфи фаолият кўрсатаётганлиги ҳамда улар Халқаро алоқа тармоғи «Ziynet»га уланганлиги ёшларнинг дунё илм-фани, тенгдошлари эришаётган ютуқлардан хабардор бўлишида муҳим аҳамият касб этади. 100 ўринли талабалар турар жойи, ёзги ва қишки спорт заллари, спорт майдончаларида яратилган шароитлардан бўш вақтларини мазмунли ўтказишда фойдаланишмоқда.

Фахриддин ЙЎЛДОШЕВ,
Қарши педагогика коллежи ўқитувчиси



Мамлакатимизда эртанги кун эгалари бўлмиш ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол улғайиши, замонавий ускуналар сир-синаотларини билиши, ҳозирги кун талаблари даражасида билим олишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу жараёни янада юксалтириш мақсадида тараққий этган давлатлар, чет эллик ҳамкорлар тажрибасидан, уларнинг синовдан ўтган истиқболли лойиҳаларидан ҳам ижодий фойдаланилаёпти. Ана шулардан бири "Меҳнат бозори талабларига йўналтирилган АКТ соҳасида касб-хунар таълими" Ўзбекистон — Германия қўшма лойиҳасидир. Айни пайтда ушбу лойиҳа доирасида иш бошлаган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини битириб чиққан ёшларнинг билими, салоҳияти хусусида жойларда илик фикрлар айтилаётир.

МАҚСАД ВА ВАЗИФА

Германия Техникавий ҳамкорлик Ташкилоти (GTZ) ҳамда Германия тараққийёт банки (KfW) иштирокидаги мазкур лойиҳа ижросига 2003 йилдан бошлаб киришилганди. Лойиҳанинг асосий вазифалари этиб ўзбекистонлик ҳамкорларга Республикада ўрта махсус, касб-хунар таълимини такомиллаштиришда кўмак бе-

сисликлар ва касблар таснифлагичига киритилди.

Лойиҳага киритилган 32та касб-хунар коллежларида янги касблар (АКТ бўйича электроникага, дастурлашга ва бизнесга йўналтирилган мутахассислик) бўйича таълим олиб борилмоқда. Қувонарлиси, ҳозирги кунда лойиҳа асосида касб-хунар коллежларида 12000дан зиёд ўқувчилар янги

ҳамда битирув имтиҳонларини ўтказиш ягона тизими яратилиб, лойиҳага кирган барча касб-хунар коллежларига татиб этилди. Ушбу имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Йўриқнома ва Низомлар ишлаб чиқилди. Лойиҳа доирасидаги барча коллежларга қўшимча касбий-амалий имтиҳонлар киритилди. Яқуний давлат аттестацияси ДАК назорати остида ўтказилиб, комиссия раиси вазифасини иш берувчи корхоналар мутахассислари бажармоқда.

Айниқса, лойиҳа доирасида Тошкент ахборот технологиялари университети дастурчи мутахассислари иштирокида яратилган ва интернет тизимида ишловчи Ўзбекистон ўрта махсус, касб-хунар таълими Мониторинг ва Баҳолаш тизимининг ишга туширилиши соҳа мутахассислари учун айни мудида бўлди.

Жорий йилнинг 13—14 а-

ция давомида лойиҳа доирасидаги касб-хунар коллежлари жамоалари ютуқларини акс эттирувчи кўргазма ҳам ташкил этилди, унда иштирокчилар ўқувчиларнинг яратилган имкониятлардан нечоғлик фойдаланаётгани, АКТ бўйича эришган муваффақиятларидан сўзловчи ишланмалар, буклетлар билан ҳам танишдилар.

— Бугун қишлоқ ёшлари ҳам ахборот, шу жумладан, компьютер технологиялари билан яқиндан танишиш, бу борадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш имконига эга, — дейди Урганч тумани саноат ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи директори Замира Саидниёзова. — Ўқув даргоҳимизда бир нечта мутахассисликлар қатори Ўзбекистон-Германия қўшма лойиҳасига кўра учта янги касблар (АКТ тизимларида дастурлаш, электроника ва бизнес мутахассислиги) бўйи-

Xalqaro hamkorlik

дейди ўқув муассасаси директори А.Нуруллаев. — Ҳозирда ўқувчиларимиз бошқа йўналишлар қатори учта янги фан бўйича ҳам таълим олишяпти. Коллежимиз дунё стандартларига жавоб берадиган ўқув-лаборатория хоналари ва жиҳозлари, ахборот технологиялари, зарур ўқув адабиётлари ва қўлланмалари билан таъминланган. ЎМКХТМ томонидан ускуналарни жойлаштириш учун ўқув-лабораториялари кенгайтирилди, лойиҳа доирасида малака ошириш курсларига ўқитувчилар танланди. Халқаро экспертлар иштирокида коллеж ўқитувчиларининг иқтисодий ва дастурлаш, электроника, коммуникация тизимини ўрганиш сингари йўналишларда малакалари оширилди. Айни пайтда лаборатория, ўқув хоналари ва ус-

БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ХАРАЖАТ

у қандай натижаларни берди?

риш, лойиҳага киритилган 32 касб-хунар коллежини замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, мазкур таълим муассасалари учун соҳа йўналишлари бўйича тармоқ стандарти, ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш, мавжудларини такомиллаштириш, ўқув-услубий қўлланмалар, янги авлод дарсликларини яратиш ҳамда етарли миқдорда чоп этиш, ўқитувчи ва муҳандис-педагог ходимларининг методика ва дидактика борасида малакаларини ошириш, таълим муассасаси бошқарувини ташкил этиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими умумий мониторинги ва баҳолаш тизимини яратиш ва жорий этиш, ахборот тармогини такомиллаштириш ва ундан

касблар бўйича таълим олмақда.

2006 йил февралда лойиҳа доирасидаги 14та касб-хунар коллежларига 5тадан махсус ўқув-лаборатория ва устахоналар учун зарур жиҳозлар ва компьютер технологиялари келтирилди. 2007 йил октябрь ойида лойиҳага қўшимча киритилган 10та коллеж жиҳозланган бўлса, қолган 8та коллеж 2008 йилнинг биринчи ярмида мазкур жиҳозлар билан таъминланди.

Лойиҳа бўйича касб-хунар коллежлари учун 22 номдаги ўқув материаллари яратилди. Шу билан бирга ўзбек тилида тайёрланган 16 номдаги соҳа ихтисослик фанларидан ўқув қўлланмалари нашр этилиб, барча 32та касб-хунар коллежларига етказиб берилди.

Германия тараққийёт банки имтиёзли кредити ҳисобидан, Тошкент ахборот технологиялари университети билан ҳамкорликда 32та лойиҳа коллежларининг 300дан зиёд ўқитувчи-педагогларининг соҳалар бўйича техник малакаларини ошириш курслари ўтказилди.

Германия техникавий ҳамкорлик ташкилоти томонидан режа асосида касб-хунар коллежларининг 256 нафар ходими курсларда хорижий экспертлар ҳамкорлигида соҳалар бўйича касб маҳоратларини оширди, шунингдек, ўқитиш методикаси ва дидактикаси бўйича замонавий билим ва малакаларга эга бўлди. Лойиҳага киритилган 14та касб-хунар коллежлари раҳбарлари учун модулли тизимда бошқарувнинг долзарб йўналишлари ва мавзулари асосида малака ошириш курслари ўтказилди. Германия касб-хунар таълими тизимини таништириш мақсадида, лойиҳага кирган коллеж раҳбарлари учун Германияга 2 маротаба хизмат сафари амалга оширилди.

Лойиҳа доирасида оралик

рель кунлари пойтахтимиздаги "Dedeman Silk Road" меҳмонхонасида Ўзбекистон ва Германия давлатлари ҳамкорлигида 2003—2010 йиллар оралигида амалга оширилган "Меҳнат бозори талабларига йўналтирилган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб-хунар таълими" лойиҳаси яқунига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий конференцияда ана шу каби натижалар фахр билан тилга олинди ва бу ҳамкорликдаги етти йиллик фаолиятнинг ўзига хос сарҳисоби бўлди.

МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ — АХИЛЛИКДА

Таъкидлаш жоизки, лойиҳада ўқитувчи-мураббийларнинг касбий салоҳиятини юксалтириш баробарида ўқувчиларнинг ижодкорлиги масаласига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Уларнинг ўқув жараёнида эгаллаган билим, малака ва кўникмалари ўзига хос тадбирлар орқали намойиш этиб бориляпти. Шулардан бири ҳар йили коллеж ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган АКТ соҳасидаги касблар бўйича кўпбосқичли олимпиада мусобақаларидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ГФРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Германия техникавий ҳамкорлик ташкилоти вакиллари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази мутасаддилари, лойиҳа иштирокчилари, мутахассислар ҳамда ОАВ ходимлари қатнашган илмий-амалий конференция аввалида АКТ фестивали ташкиллаштирилди ва унда олимпиада голиблари ўз билимларини амалий синовларда намойиш этди.

Айтиш ўринлики, касб-хунар коллежи жамоалари қатнашган АКТ фестивалида ўзбек ёшлари ахборот-коммуникация технологиялари жабҳасида ҳам бошқалардан асло кам эмаслигини намойиш этдилар.

Илмий-амалий конферен-



ча мутахассислар тайёрланмоқда. Айни чоғда уч томонлама (корхона + ўқувчи + касб-хунар коллежи) шартномага амал қилиниб, фаолият юритилмоқда. Унда ҳар кимнинг бажарадиган вазифаси кўрсатилган. Қувонарлиси, битирувчиларимизнинг аксарияти иш билан таъминланяпти. Мисол учун 2009 йилда 258 нафар битирувчи иш ўринларига эга бўлди.

БИТИРУВЧИЛАРНИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР СИНАШАДИ

— Хонобод ахборот технологиялари коллежи ҳам лойиҳага киритилганди, —

тахоналардан унумли фойдаланиляпти. Жараёнда ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини амалиётда қўллаи олиши, бошлангич касбий кўникмалари, назарий билимлар даражаси аниқланиб, баҳоланмоқда. Иш берувчилар битирув имтиҳонлари, ўқув амалиётида қатнашадилар. Бунда асосий эътибор малакавий ишга қаратилади. Давлат имтиҳон комиссияси аъзоларининг етмиш фоизини «Андижонабель» қўшма корхонасининг малакали мутахассислари ташкил этади. Хуллас, битирувчиларимиз имтиҳон ва синовлардан муваффақиятли ўтишяпти ҳамда ишга жойлашишяпти.

Лойиҳа яқунига бағишланган илмий-амалий конференцияда қилинган маърузаларда тўпланган тажрибалар моҳияти тўғрисида атрофлича гапирилди, битирувчиларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичлари таҳлилга тортилди. Ҳар йили лойиҳа гуруҳларидан ўртача миқдорда 3500 нафар битирувчи меҳнат бозорига қадам кўяётир. Битирувчиларнинг иш билан таъминланиши мониторинги натижасига кўра, уларнинг катта қисми иқтисодийнинг турли жабҳаларида ўз соҳалари бўйича иш ўринларига эга бўлган, иш берувчилар эса ўз навбатида, ўзларининг янги ходимлари фаолиятдан мамнун бўлаётир. Кўпгина битирувчилар олий таълим муассасаларида таълим олишни давом эттиришяпти.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, «Ma'rifat» мухбири

Суратларда илмий-амалий конференция жараёнидан лавҳалар акс этган.

Владимир ГРАНКИН олган суратлар.



фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқиш белгиланганди. Дастлаб "Меҳнат бозори талабларига йўналтирилган АКТ соҳасида касб-хунар таълими" Ўзбекистон — Германия қўшма лойиҳасига ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги 14та касб-хунар коллежлари пилот коллежлар сифатида киритилган бўлиб, кейинчалик икки томонлама қарорга асосан, лойиҳа доирасига яна 18та коллеж қўшилди.

АКТ соҳаси йўналишидаги 3та касб бўйича тармоқ таълим стандарти, ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқилди. Касбларнинг янги талқиндаги таълим тармоқ стандартлари тасдиқланиб, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг тайёрлов йўналишлари, мутахас-



БОЛАНИГИЗНИНГ МУРУВВАТИ

қачондан шакллана бошлашни биласизми?

ди. Жим туролмаган Зиёдулла чавандознинг бошига эса не қунлар тушди. “У сизга ҳеч ким эмасми? Унда нега аралашиб қирибсиз бу жанжалга, жимгина ўтиб кетавермайсизми?”, дейди унинг атрофидagi одамлар. Одамлар айтганидек, у жанжалга аралашгани учун “товон тулади”. Безорилар энди уни дўппосладилар. Албатта кимсасиз жойда, аммо бу манзара гаҳжум ерда юз берганида ҳам ҳеч ким уларга ҳалақат бермаслиги мумкин эди.

Лекин... биз ҳақрамонимизнинг биродарини унутмайлик. У безориларга қарши отилиб чиқиб, чавандознинг ҳаётини сақлаб қолди. “Халигилар қандай жонзот эди, Тарлон! Сун-сумбати одамга қалбаб беради. Одамга майзаб гапиради, одамга майзаб кулади... Бўлди, мен энди уларни укам демайман. Менинг укам сенсан. Ўзи менга ўхшайсан, Тарлон... Аё, Тарлон, сен менинг акамсан, акам. Бўлди, мен энди уларни акам демайман. Менинг акам сенсан, Тарлон...”

Ҳа, Тарлон тўрт оёқли оддийгина жонивор эмас, у ака, у ука, у биро-дар, у... ибрат намунаси.
Яна бир мулътфильм эпизодидан мисол. Ҳармандаги икки кўнчага мейривонлик ила рўмонлини ўратиб қўйган қизчанинг онаси такрор ва такрор “Рўмонлигни олиб келдингми, қизим?”, деб сўрайверади. Бу саволга “Олиб келдим ойишхон, олиб келдим”, дея овқатини ҳам ичмай туриб хотиржам ухлаб қолган қизча барча болаларнинг севилиги ҳақрамонига айланаиб улгурган.

Дарвоқе, қўчадаги совудкана азият чекаётган қорни оч жажжи кучукчани уйига олиб кетиб, парваришлашни истамайдиган бола бўлмас керак. Қизик, нега уй ҳайвонлари-кучук, мушук кўпроқ ўзининг энг кичик вақилини суйди? Жавоби аник. Ахир оилада ҳеч ким бу жониворларга ўша болакайчилик мейривонлиги қўрсатаолмайди-да!

Табийиги, болалар уларни силаш, кучоқлаб эркалаш, бағрида кўтариб юриш, ҳатто ёнида олиб ухлашдан қайтмайдилар. Психологлар жониворлар билан дўстлашани, уларни парваришлаш болаинг руҳиятига, феъл-атвориға ижобий таъсир ўтказиши хусусида гапирса, шифокорлар улардан болаларга юқиши мумкин бўлган инфекцияларнинг турли-туманини мисол қилиб кўрсатадилар.

фильмни эслашнинг ўзи қифоя. Гапиролмайдиган қизинг нутқи равонлашиб боришига ёрдам берувчи Поли номили тўтиқуш Мари исмли қизалоқнинг энг яқин дўсти, сирдошиға айланаиб қолади.
Ҳайвонлар орқали нима-нидир ўрганиш ёки қандайдир фойдали ишға бел бойлаш ҳаётда учрамайди, дей-сизми?

Қибрай туманида истиқомат қилувчи Лола Файзиева бу фикрингизға нисбатан шундай демоқчи: “Ўғлим 11 ёшда. Бир куни разм солсам, тўрт нафар орасининг эркаси сифатида, у анча дан-гаса бўлиб улғаяётган экан. Унинг вазни 56 кг. Бу 11 ёшли бола учун анча номувофик ҳолат. Ўз вазни унга қийинчилик туғдира бошлади. Дангасалигидан ҳатто ҳар тонг югуриб, жисмоний машғулотларни бажаришға ҳам эринарди. Кейин дадаси унга кучуқча соға қилди. Ўғлим оз фурсат ичида у билан дўстлашиб олди. Энди улар биргаликда эрталлаб югурадиган, гимнастика машғулотларини бажаради-

ган бўлди. Кучук у нима қилса, шуни такрорлайди, ўғлим учун эса бу қизқари туюлади, унинг ҳаракатчанлиги ошиди, машғулотларини ҳам қанда қилмаётти”.

Жониворлар бола жихатлардан ҳам сизга ёрдам бериши мумкин. Масалан, менинг кучукчам кичкиналигимда ҳар куни мактабга қузатиб қўярди. Бир куни онам иккимиз кеч-кўрун мейхондорчиликдан уйға қа-йиб кўнглимизға гўлула туша бошладим. Шу маҳал узокдан оқ шарпа кўринди. Ундан кўриб жойимизда тўхтаб қолдик. Шунда бу ўзининг кучукчам эканлигини билдик. Шунча олис жой-да нима қилаётганини аввалига тушу-нолмадик. Қандай қолганмикан... йўқ, узокдан олдимизға эркаланиб югуриб келди-ку. У шундай ҳаракат қилдикки, бизни қутуш учун шу ерга келганини билдиш қийин эмасди. Кейин биз билан дарров ортга қайтди. Унинг хиймасида анча тетик ҳолда уйға ки-риб бордик.

Кучукчам шунча йўл босиб бизни кутгани чикгани аниқ эди. Аммо у қаерға кетганимизни, қачон келишимиз у қайси йўлдан қайтишимизни қандай билдикан? Бу саволға кейин-роқ жавоб топдим. Маълум бўлиши-ча, ҳайвонларнинг сезги органлари кучли бўлади. Масалан, кучукдаги хид билиш қобилияти эгасини узок масофадан танишиш ёрдам беради. Қолаверса, ҳайвонлар ўз хўжайинининг овозини, кун тартибинини жуда яқши эслаб қолар экан. Шунингдек, улар одамларнинг гапини ва ҳатто уларнинг ўзларига билдираётган муносабатларини ҳам яқши тушунадилар. Шунинг учун ҳам сиз уларни қаттиқ яқши кўрсангиз, улар сизға ўша мейривонлиги қўрсатиб қай-таради.

БОЛАЛАРНИНГ “ДЎСТ”ЛАРИ — ИНФЕКЦИЯЛАР МАНБАИМИ?

Шифокорлар ҳайвонлардан бола-ларға турли хил касалликлар ўтиши ҳавфи борлиги, шунинг учун ҳам бо-лалар улар билан мулоқот қилишда баъзи қондаларга риоя қилишлари кераклигини таъкидлайдилар.
— Ветеринар шифокорлар кўриги-дан ўтган барча жониворлардан

Mulohaza

болаларға турли касалликлар юқиш ҳавфи бор, — дейди табииёт фанари доктори Тоҳир Иброҳимов. — Нега аксарият болаларга гижжа бўлади? Албатта, кучук, мушук боқадиган-ларда ушбу инфекция бўлиши эҳти-моли кучли. Уй паррандаларидан сол-монелез, қушлардан орнитоз юқум-ли касаллиги, қорамолдан буқа гиж-жаси юқиши мумкин. Кўпинча бола-лар жониворлар билан бирга уйна-ганидан кейин қўлини, албатта, сову-лаб ювиши кераклиги назоратдан чет-да қолмаслиги лозим. Улар иста-й сизми-йўқми, кўчадаги турли ноги-гиеник жойларда юриши мумкин. Шундай бўлса-да, ҳайвонларни бо-қиб болаларға тиббий жихатдан ҳам катта ёрдам беради. Жумладан, уй ҳайвонларини парваришлаш уларда учрайдиган стресс, невроз ҳолатлари-нинг олдини олиш ва бартароф этиш, қон басимини, тана ҳароратини нор-маллаштиришға сабаб бўлади.

ЖОНИВОРИНГИЗ ЭМЛАНГАНМИ?

Шифокорлар ҳам болаларнинг ҳай-вонлар билан дўстлашишлариға қарши эмас. Фақатгина ота-оналар фарзандларига гигиена қондаларига риоя қилишларини ўргатишлари лоз-им. Қолаверса, уйға олиб келинажак жонивор ветеринар кўригидан ўтиши ва боқиш учун руҳсат берилиши ҳамда йилиға икки мартадан эмланиб тури-лиши жоиз. Шунингдек, уйдаги ёши катталар парваришланаётган жонивор-нинг доимий ҳолатига жиддий эъти-бор бериб боришлари, унда касаллик аломатлари — ётоқлаш, иштаҳасиз-лик, уйкуға берилиш, қайит қилиш, ин-граш, ўз тўдасидан ажрალიш каби ҳолатларни кузатсалар, дарров ўзла-ри яшаётган туманда фаолият юри-та-ётган ветеринари марказларига му-рожаат қилишлари керак.

Шу ўринда уйдаги турли жонивор-ларни боқадиган оилаларнинг ушбу марказлар билан алоқаси қай даража-да эканлиги бизни қизиқтириб қолди. Афуспки, ота-оналар бу масалаға жуда ҳам бефарқ эканликлари кўзға та-шланди. Улар ҳатто ветеринар марказ-ларининг телефон рақамлари ва ман-зиллари бир четда турсин, ҳар бир туманда шундай марказнинг фаолият кўрсатишидан ҳам беҳабар эканлар. Уларға маълуми фарзандлари сало-матлигини ўйлаб жониворларни уйға олиб киришға изн бермаслик, васса-лом. Лекин бу билан фарзандингиз-даги ўз атрофидоғиларға нисбатан меҳр-муруватли бўлиш, ёрдамға муҳ-тожларға кўмак бериш, табииоти се-виш каби хислатларнинг ривожланиш жо-қиб қолганлиги пугур етказган бўли-си. Жониворларға озор бермаслиқни ўрганган бола одамларға ҳам зиён-зах-мат етказишдан ўзини тияди.

БОЛАНГИЗ МУРУВВАТИНИ КЎРИНГ...

Ўзи еяётган овқати ичидаги энг қатта гўшни онасидан беркитиб кучукчасига илинаётган қизчанинг ҳара-катларини кўз олдингизға келти-ринг-а. У шундай самимилик. Бола-нинг бу муносабатида ҳеч қандай яса-малик, тилбелгалмалик йўқ. Болангиз-нинг энг самими муруватини кўриб наҳот севинмайсиз? Ўзи меҳр қўйган жонзотта энг яқши нарсасини или-нишини ўргангани сиз учун шодлик-ларинг улкани эмасми?

Бир гала қабутлар эгаси бўлган бола-чи, соатлаб уй томиға чиқиб, осмонни кузатади. Қабутларнинг уч-ишида ажиб манзара, маънолар қуйди. Чукур уйға талади... Демок-чимизки, жониворлар билан дўстла-шиш ўғил-қизингизда яқши хислат-ларини шакллантиради. Билингни, фарзандингиз тарбияси ва саломат-лиги йўлида қайғуришингиз ўйингиз-даги жониворларға ҳам жиддий қай-ғуриши тазоэо этади.

Зилола РУСТАМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

КЕЛАЖАКНИНГ АВЛОДАЛАРИ, ИЛАМ ИСТАНГ!

Ахборот олиш имкониёти чегара билмаётган бугунги кун шароитида ҳам асосий билим ва ахборот ман-баи сифатида кутубхоналардан фой-даланишда давом этилган. Ўзбекис-тон давлат кўчилини университетининг ахборот-ресурс маркази-да китоб олиш учун навбат кўтиб тур-ган талаб-ларни кўриб, бу ёна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Университетда 1948 йилдан буён фаолият юришиб келаётган кутубхо-на Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-ку-тубхона билан таъмин-лашни ташкил этиш тўғрисида»ги қароридан сўнг 2007 йилдан эътиборан ахборот-ресурс марказига айлантирилди. Мазкур АРМ талабалар учун катта имкониётлар эшигини очди. Жумладан, замона-вий техника воситалари билан тўлиқ таъминланган бу марказда кўп-лаб илмий, бадий адабиётларни топи-ш ва Интернет тармоғидан фойдала-ниш учун барча шароитлар мавжуд.

2010 йилдан тўлиқ ишға тушган ушбу марказ эрталлаб қанча та-лаба ва ўқитувчилар иктирибди.

Марказ раҳбари Фотиμα Сағдие-ва берган маълумотларға кўра, бугун-ги кунда АРМ умумий жағрамасида 1 млн. 40 миңга яқин нусхада ада-биётлар қўрлиги қайд қилинган. Шундан дарслик ва ўқув қўлланма-лари 566 миң, хоржий тилларда-ги адабиётлар фонди эса 33 миңдан ортиқ нусхани ташкил этишди. Шунингдек, АРМ подир адабиётлар фондида XIX ва XX асрларда чоп

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

Тушлик қилиш мақсадида бозор яқинидаги ош-хонға кирдим-да, четроқдаги столларнинг бириға бориб ўтирдим. Шу пайт кесса отахон қилиб келди. Ҳарманда туриб олмаб бердим. У елкасидаги оғир сўмқасини ёниға қўйиб қаршимдаги курсиға ўтириб, пешонасидаги терни артди. Кун иссиқ эди. Отахон мени саволға тўтди:

- Шахарликмисиз, қизим?
- Йўқ, ўқишға келганман, отахон. — дедим унга.
- Яқши, мен ҳам Ташкентта иш билан келгандим...

Қутлимдан сўхбатимиз бўлиди. Икки қиз ошхонға қириб келди. Юриш-туриши, кийиниши галати бўлган бу қизлар ҳамминанг диққатини ўзларига қаратиб, беўхшов ҳиринглашарди.

Улардан бири «девушка, биз сўхбат қилиш билан ванио олиб келинг», — деди у, сўмқасидан сиргевта олиб чиқиб бошлади. Бу ҳолдан иштаҳам бўғилди. Отахон ҳайрон. «Бу қанқаси бўлди?» дегандек савол ниғоши билан менга тикилишидан уялиб кетдим. Кабоб билан вино тезда тайёр бўлди. Қизлар энди чекишни тўхтайтиб, ичишға ўтишди. Отахон бу ҳолға чидаб туролмайди: — Хой, қизларим, бу нима? Чекиш, ичмш қиз болаға ярашмайди-я, ким-нинг тарбиясини олгансизлар, ўзи?

Қизлар ошхонани бошиға кўтариб қулишар, ичкилик уларға ўз таъсирини кўрсатаётган эди.

Сочларини ёйиб юзига дунёнинг буюғини суриб олган озгинроқ қиз сиргевтасини тутатганча гап бошлади:

- Ойим билан дадамнинг ёлғиз қизиман. Нима десам, ҳаммаси муҳайё. Ўқийман, дегандим тўло шартномаи асосида ўқишға киргизишди. Лекин ўқиш дегани бирам зерикарлик эканки, бирпасда жонимға тегди. Шартнома пулини тўламаётганим, ўқишдан ҳайдашди. Уйдагилар билишмайдилар. Уларни алдаб, ҳар ҳафта ўқимшға керак, деб пул олиб турман. Гузал деб сўришчи менға Дилором ўргатди, — деди кўрсаткич бармоғи билан ёнидаги дугона-сини кўрсатиб.
- Шундайми, ўртоқжон?
- Тўппа-тўғри.

Улар яна ҳиринглай бошлашди. Отахон уларға бошқа бир оғиз ҳам сўз айтмади. Ҳаммаси тушунарли эди. У оғир ҳўрсиниб, сўмқасини олиб ошхонадан чиқди. Кетидан мен ҳам эрга-шиб, автобус бекатиганча юқини кўтаришиб бордим.

Раҳмат, қизим деди у дуоға кўл очиб. Оғир хаёлар исканжасида уйға қандай етиб келганимни сезмай қолиб-ман.

Ор-номус ёки, ҳаё деган тушунарлардан буткул беҳабар, фақат бугунини ўйлаб оқ билан қоранинг фарқиға бормайдиган бу қизлар, эртанги кўнлари қандай бўлишини билишармикан?

Несиба ИЛМБЕТИРЗАЕВА,
ЎЗДЖУ 1-курс талабаси

«Яқинроқ келсангиз, қулогингиз-ға бир гап айтман. Фақат буни ҳеч кимға гапириб юрманг. Тагин келиб-келиб ойимға гуллаб қўйманг. Мени тушунамасдан, нотўғри хаёлға бори-ши мумкин. Хуллас, мен севиб қол-ганға ўхшайман. Ишонмайясизми? Ўзинг учун мулақо ёт бўлган инсон-ни ўйлаш, соғиниш, у хақида қайғу-риш севи эмасми?! Менимча, у ҳам фақат мени севади». Шу ерда интер-вью олиш учун ишлатилдиган овоз ёзиш мосламаси (диктофон)ни тўхтатиб туришға мажбурман. Чунки, бу ўсмир қизға қўйиб берсам, «Ҳеч кимға айман-у», дея эрталлабча тин-май гапирishi мумкин. Яқинши ик-кинчи қизнинг гапларига қўлоқ ту-тайлик:

«Мени ҳеч ким тушунайди, деб кўрқаман. Онамға айтсам, қойиб бе-ради. Дадамға эса умуман кўглим-ни очолмайман. Дардлашадиган ду-гоналарим йўқ. У йигитта ҳам ҳис-туйғуларимни билдира олмайман.

БАЛОҒАТ ЁШИНИНГ НОЗИКЛИКЛАРИ

унга нечоғлик эътибор бераяпмиз?

Нима қилсам экан?»

«Яқинда биттасини «илинтри»дим. Шу кўнларда ўзимни ёлғиз сезиб юр-ган эдим. Тақой нормальни болаға ўхшайди. Ну, чидаса, бўлади. Егли что, ўшамаса, дамингни ол, дейман...»

Тавба. Давомини эшитмаслик учун, ўлгүр диктофонинг тўхтатиб тўтма-сини бошдан бери босаман, ҳеч тўхта-майди. Афсуски, орамизда бундай тоифадаги қизлар мавжудлиға ҳам қўз оюмб бўлмайди.

«Бир йигит аввалиға ортимдан со-ядек эрғашиб юрди. Кўчаларда йўлимни пойлаб, яқши кўришини бот-бот такрорлайверди. Кейин ал-кақлардан кўл телефони рақамим-ни олиб, тинмай қўнроқ қила бош-лади. Шунданми, уни кўп ўйлайди-ган бўлиб қолдим. Энди нима қили-шимни билмайман...»

Ўйлаб кўринг, юқорида фикрлари келтирилган қизларнинг қилаётган ишлари ёки ўйлари тўғрими? Ва яна битта савол. Ҳаётдаги энг муҳим шахсини очадиган бу туйғини ас-раш учун улар кимлардан кўмак сўрай олади? Менимча, бу жиддийроқ ўйлаш керак бўлган муаммо. Келинг, ҳудди шу мавзуда мулоҳаза юритсак.

Севи...Ишқ... Муҳаббат муаммони?

Аёллар табиатан ҳиссийетға бой, ишонувчан ва жуда таъсирчан. Айнқ-са, балоғат ёшидаги қизлар хаёлла-раст, қандайдир муъжизаларни кўти-байидаган бўлишади. Муҳаббат улар-нинг ҳам қалб эшикларини қоқмай қолмайди. Бу ҳолат эса анча мурак-каб ва ҳар хил кечади. Ҳаётий куза-тишлар шунни кўрсатадики, кўп гапи-радиган, шаддод қизлар мулоийм ва камгап бўлиб қолишаркан. Аксинча, кўпчиликқа қўшилмай, ўн гапингта зўрға битта жавоб қайтарадиган қиз-лар эса акс тарафға ўзгарар экан.

Бу жараён уларнинг кийинишида ҳам ўз аксини топади. Масалан, ак-сарият қизларда ўз кийиниш услубига нисбатан эътибор ва талабчанлик ку-чаяркан, яъни ўзларига оро бера бошлайшади. Характерида жиззакчи-лик, урушқоқлик каби ўзгаришлар содир бўлиши мумкин.

Тасаввур қилайлик, балоғат ёши-даги қиз севиб қолди. Бу яқши ҳолатми ёки ёмон? Тўғри, севиш ёки севилиш гуноҳ эмас. Аммо бу ҳақиқий туйғу эмас, шунчаки ҳавас бўлса-чи? У ҳолда она, ўқитувчи ва

мактаб психолоғи зиммасига нима-лар юкланади?

Онанинг роли

Қиз болаға отадан кўра она қал-бан яқинроқ. Кўпчилик қизлар она-сини билан сирдош, ҳудди дугонадек бўлишади. Лекин севиғи дардиға ча-линганда бундай қизлар ҳам мум тиш-лаб қолишлари тайин. Чунки уялиш, тортиниш ва озгина ҳадик бўлади. «Шуни айтсам, ойм уришиб бера-ди ёки бошқача хаёлға боради», деб ўйлаши мумкин. Қизи балоғат ёшиға қадам қўйганида эса она назоратини янада қучайтириши керак, наздимиз-да.

— Қизларни ҳеч қачон ўз ҳолиға ташлаб қўймастик лозим, — дейди уч нафар қизнинг онаси. — Негаки, улар ёш ва ҳиссийетға тез берилиша-ди. Бирор йигитнинг сохта дил из-ҳорига алданиб қолса, кейинчалик одамларға ишончи сўниб кетиши

Siz nima deysiz?

улар дугоналаридан ташқари яна бир киши билан дардлаша олиши мум-кин. Бу — муаллимаси. Ўрнатилиши керак бўлган самими муносабатдаги биринчи қадам ҳам айин ўқитувчи томонидан ташланади. Сиф раҳбари барча ўқувчилар, айнқса қизларнинг ҳар бири билан ўзига ҳос муносабат шаклини ўрнатиши керакики, ўқувчи-ларда шундай фикр пайдо бўлиши лозим: «Ўқитувчим фақат мен билан яқин. Мени яқши кўради!». Шундан сўнггина у ўқитувчи билан қалб ке-чинмаларини ўртоқлаша бошлади. Хўш, ўқувчиси севиб қолгани, бу бо-рада баъзи муаммолар қийнаётгани-гини синф раҳбари қандай сезади?

Синф раҳбаримизнинг ажойиб бир одати бор эди. У мактаб психолоғи бўлганлиғи учунми, биз билан яқши чиқишар, тенгдошимиздек муомала-

мумкин. Учала қизимда ҳам бундай ўзгаришларни бир хил ҳолат орқа-ли сезганман. Яъни уларда уйни тозалаш, безатишға ҳавас жуда кў-чати. Ҳатто баъзида кунига уч-тўрт марта уй ишларини қайта-қайта ба-жарган пайтлари ҳам бўлган. Ана шу вазиятларда ёнимға ўтказиб, обдон сўраганман. Ҳаммасини билиб олгач, қаттиқ назорат қилганман. Улар эса буни сезмай қал қолган.

Сичнок оналар-ку, кизидаги ўзгаришларни сезиб, чоралар кўри-шади. Кун бўйи ишда бўлиб, фар-зандларига етарлича вақт ажратол-майдиган аёллар-чи? Биздан икки-уч хонадон наридаги қўшни аёл худ-ди шундай эди. Эрта билан ишға кетиб, кун ботганд қайтиб келарди. Фарзандларини телефон орқали тез-тез сўраб-терғаб, йўл-йўриқ бе-риб турарди. Аммо дам олиш кўнла-ри ҳам ишға боришиға тўғри кела-диган қўшимиз қизлари билан ўти-риб сўхбат қуролмас, улар тарбияси билан жиддий шуғулланишға вақти етмасди. Қизлар балоғат ёшиға етиб, баъзи руҳий тушунликка туша бо-шлаганида ўша аёл роса қийнади. Ҳатто ишидан таътил олиб шу маса-лани ечишға, қизға ёрдам бериш-ча уринди. Бироқ фойдаси бўлмади. Қиз онасига қалбини очолмади.

Мактаб ўқитувчиси бефарқ бўлмаслиги керак

Онаси билан дўстлаша олмайди-ган қизлар кўп-лаб топилади. Шунда

да бўларди. Гуруҳимиз билан бирор байрам ёки ўтириш ташкил этсак, Ўзи бош-қош бўлар, кечанинг мазмуни ўтишиға ҳаракат қиларди. Тадбирнинг тановвул қилиш ва рақсға тушиш қисми тугагач, асосий қисм бошлан-ди. Унинг бошланишини ортиқиб ку-тар, муаллимимизни ҳол-жонига қўймадик. Нима экан, дейсизми? Бу том маънодаги ҳаёт дарси эди. Синф раҳбаримиз барчаға бир хил савол билан муножаат қиларди. Бир сафар ёқтирган қиз ёки йигитимиз ҳақида, яна бирида ота-онамизнинг бизға ёки бизнинг уларға муносабатимиз, орзу-миздаги реал шахс кимлиғи чин дўст қандай бўлиши қабилар хусуси-да сўраб чиқарди. Кейин жавоблари-мизға муносабатини билдирар, ноў-рин фикрлаётган бўлсак, ўз маслаҳат-лари билан тўғри йўналтиришға ҳара-кат қиларди. Ушанда сўхбатға қизиқ-иш билан шўнғиб кетардик, чунки биз учун жуда қизик мавзу эди-да. Энди ўйлаб кўрсам, бу шунчаки гурунг эмас, ўша пайтларда синф раҳбаримиз биз-нинг характеримиз ва руҳиятимизда-ги ўзгаришларни билиш учун қизи-қарли саволларни ўртаға ташлар экан.

Хулоса қилиб оналарға айтадиган сўзимиз, қизларингиз онг-тафаккури-да бўшлиқ қолдирманг. Улар балоғат ёшиға етпагани, дарҳол маънавий ҳавфсизлигини таъминлашға кири-шинг. Қизингиз онгини ўзингизнинг тўғри ва оқилона маслаҳатларингиз билан тўлдиринг.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири



Қиз болаға она қалбан яқинроқ.

ТАЖРИБА УЧҚУНИ МТМДА

Навоий шахридаги 8-сон "Пахтаой" номли МТМда 11та гуруҳ бўлиб, айти пайтда унда 230 нафарга яқин болалар тарбияланмоқда.



Maktabgacha ta'lim muassasalarida

МТМда 10та гуруҳда машғулотлар ўзбек тилида, 1та гуруҳда рус тилида олиб борилади. Болаларнинг таълим олишларига кўмак берувчи илғор педагогик технологиялардан ушбу МТМда ҳам самарали фойдаланилмоқда. Педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этиш, таълим тизимида янгича ёндашиш заруриятини инobatга олган ҳолда давлат талаблари асосида тузилган йиллик иш режага мувофиқ машғулотлар олиб борилади. МТМ педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича истиқбол режаси ишлаб чиқилган бўлиб, тарбиячилар режа асосида малака оширишга юборилади. Боғчадаги барча тарбиячи ва ёш

мутахассислар "Учинчи мингйилликнинг боласи" таянч дастурини ўрганиб чиқилган ва йўналишлар бўйича болалардан ҳар чоракда тест олинади. Тарбияланувчилар билимини аниқлаш учун ҳар чоракда диагностика таҳлил олиб борилмоқда. Боғчада жамoa бўлиб машғулот кузатиш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Булардан ташқари, МТМда "Очиқ эшиклар куни", байрам эрталиклари ва тарбиячи ҳамда болажонлар ўртасида турли кўрик-танловлар катта тайёргарлик билан ўтказилади. Болаларда миллий-маънавий дунёқарашни шакллантириш учун методик кўрсатмалар, машғулот конспектлари, буюк алломалар ҳақида маълумотлар тайёрланиб, "Улуғлардан

ўрганмоқ", "Оқиллик" номли деворий газеталар, кўргазмалар ҳам ташкил қилинмоқда.

МТМ тарбиячиси Хусния Осмонованинг "Илғор иш тажрибаларни ўрганиш ва уларни омалаштириш борасида амалга оширилган ишлар" мавзусидаги янгилиги вилоят миқёсида омалаштириляпти.

Айти пайтда боғчада ободонлаштириш ишлари ҳам қизгин тусга кирган. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари билан бир қаторда муассаса ҳовлисига тарбиячилар бошчилигида кичкинтойлар турли-туман гуллар экишган.

Шунингдек, боғчада спорт мусобақалари ҳам тез-тез ўтказилиб турилади.

МУХБИРИМИЗ

Фавкулотда вазиятларнинг олдини олиш ва давлат тизимининг юқори бошқарув ва ташкилий бўғини мутахассисларини мақсадли тайёрлаш, шунингдек, фуқаро муҳофазаси бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш учун ўқув-услубий ва илмий педагогик марказ ҳисобланган Фуқаро муҳофазаси институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Фавкулотда вазиятлар вазирлигининг фаолияти-

рилади. Машғулотлар назарий ва амалий услубларда иқтисодиёт объектлари ва тармоқларда олиб борилади. Институтда профессор-ўқитувчилар мультимедия тизимидан кенг фойдаланган ҳолда машғулотларни ўтказмоқда.

Бугунги ёш авлод— келажагимиз давомчилари бўлмиш болаларимизга ҳаётда содир бўлиши мумкин бўлган хавфли вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш қоидаларини ўргатиш борасида ҳам институт

Jarayon

машғулотлари ўтказилди.

Институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан "Аҳоли ва ҳудудларни фавкулотда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари", "Ишлаб чиқариш объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича тавсиялар", "Аҳолини ўқчиришни ташкил этиш", "Асра, болам, ўзингни", "Фавкулотда вазиятлар тарихи-

ХАВФСИЗЛИК БАРЧА УЧУН МУҲИМ

ни ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган. У ҳарбий ва фуқаро муҳофазаси соҳаси мутахассисларини табиий ҳамда техноген хусусиятлар фавкулотда вазиятларни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича касбий таълим муассасаси ҳисобланади.

Институт Фуқаро муҳофазаси, фавкулотда вазиятларнинг олдини олиш бўйича қабул қилинган қонунлар ва қарорлар асосида фаолият олиб боради. Илмий-ўқув бўлими профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган ўқув дастурига асосан малака оширишга келган тингловчилар билан мунтазам равишда машғулотларни сифатли ўтказишга катта аҳамият бе-

профессор-ўқитувчилари томонидан кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, институтнинг "Аҳоли ва ҳудудларни фавкулотда вазиятлардан муҳофаза қилиш" кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳамда Тошкент шаҳар Фавкулотда вазиятлар бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 288-мактабгача таълим муассасаси ва 250-ҳарбий-спорт мактабида, Шайхонтохур туманидаги 298-, Мирзо-Улуғбек туманидаги 58-мактабларда, Чилонзор туманидаги 406-мактабгача таълим муассасаси ва 4-мактаб-интернати ҳамда Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг "Ҳаёт хавфсизлиги" кафедраси талабалари билан "Баркамол авлод— юрт келажаги" шиори остида семинар ва ўқув-

дан: зилзила", "Тингловчилар учун фуқаро муҳофазаси масалалари бўйича ўқув қўлланмаси" нашр этилиб, жойларда фойдаланиш учун таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларга тарқатилган.

Институт профессор-ўқитувчилари томонидан фуқаро муҳофазаси бўйича янги-янги ўқув услубий қўлланмалар яратиш борасида излашлар олиб борилиб, умумтаълим мактабларида, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" фанидан машғулотларни ташкил этишга бағишланган ўқув қўлланмаларини такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда.

Рихсивой СОБИРОВ,
Назокатхон САИДХОНОВА,
Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчилари

Синф раҳбари — ўқувчининг мактабдаги энг яқин маслакдoshi. Демак, у ўз ўқувчисига керакли маълумотларни ва унинг маънавий эҳтиёжларини яхши билади. Шу боис синф раҳбари томонидан олиб бориладиган синфдан ташқари ишлар, турли мавзулардаги суҳбатлар, учрашувлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг қизиқишлари ва дунёқараш асосида ташкил этилади.

Синфдан ташқари олиб бориладиган ишлар режасига синф раҳбарлари томонидан киритилиши мумкин бўлган айрим масалалар тўғрисида баъзи фикрларимизни ҳамкасбларимиз билан ўртоқлашишга жазм қилдик.

Ахборот технологиялари тобора ривожланиб бораётган ҳозирги замонда ўқувчиларнинг турли мавзулар бўйича маълумот олиш имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир синф раҳбари синфдан ташқари ишлар режасини тузиш мобайнида айти шу омилни ҳисобга олиши ва ушбу режага киритилган мавзулар замон ва макон билан бевоқиф боғлиқлик асосида танланиши лозим, деб ўйлаймиз. Бу эса ҳар бир синф раҳбарининг юртимиз тарихи, ҳозирги куни ва унда амалга оширилаётган катта ўзгаришлар билан ҳамнафас бўлиб яшаш ва фаолият олиб боришини тақозо этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда синфдан ташқари ишлар режасига ҳар бир синфдаги ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли йўналишдаги мавзуларни киритиш мумкин. Жумладан, ўзимиз яшаб турган юрт ҳаётининг турли қирралари,

БЎЛГУСИ ТАДҚИҚОТЧИНИНГ ИЛК КАШФИЁТИ

тўғарак машғулотларида тобланади

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, юртимизда нишонланадиган турли байрамлар, буюк сиймаларнинг таваллуд топган кунлари, халқимизнинг асрий анъана ва қадриятлари, ахлоқ-одоб, халқаро майдондаги муҳим воқеалар, соғлом турмуш тарзи ва шунга ўхшаш бир қатор йўналишдаги мавзулар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Айтиқса, Ўзбекистонимизни ўқувчиларга янада яқинроқ таништириш мақсадида синфдан ташқари ишлар режаси доирасида "Ўзбекистон Ватаним меним", "Ўзбекистон дурдоналари" ёки "Ўзбе-

кистон—жаннатмакон ўлка" мавзулари бўйича бир қатор учрашув, суҳбат ва мунозаралар ташкил этиш ҳамда турли табиий, ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва маданий объектларга саёҳатлар уюштириш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, ўқувчиларга диёримизнинг турли жабҳала-

ри тўғрисида қўшимча маълумотларни бериш уларда Ватанга нисбатан фахр-ифтихор, меҳр-муҳаббат ва ватанпарварлик ҳис-туйғуларини янада ривожлантириб, бу борадаги билимларини тобора кучайиб боришига олиб келади. Синфдан ташқари ишлар жараёнида мамлакатимизнинг табиий ресурс салоҳияти, жумладан, фойдали қазилмалар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, тупроқ ва иқлим хусусиятларини ҳар бир вилоят ва тумanning маҳаллий хусусиятларига боғлиқ ҳолда бир қатор тадбирлар мажмуини амалга ошириш орқали янада чуқурроқ ўрганиш мумкин. Республикаимизнинг турли

бурчакларидаги кичик маъмурий-худудий бирликларнинг ҳаммаси ҳақида ҳам ёзма илмий манбалар етарли даражада бўлмаган бир шарoитда синфдан ташқари ишларнинг ушбу тарзда ташкил этилиши ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши ва ҳатто

улар орасидан турли соҳалардаги бўлғуси илмий тадқиқотчиларнинг етишиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонимизнинг тарихий-мёморий ва маданий мерос борасидаги нафақат маҳаллий, балки бутунжаҳон аҳамиятига эга бўлган бойликлари ҳақида маълумот берувчи манбалар талайгина. Аммо мамлакатимизнинг табиий ресурс салоҳияти жиҳатидан жаҳонда етакчи давлатлардан бири эканлиги, унинг дунёга машҳур дам олиш жойларидан қолишмайдиган Фарғона водийси, Китоб-Шаҳрисабз ҳамда Жиззах тоғларида ноёб шиғобохш хусусиятли мас-

Amaliy mashg'ulotlar

канларнинг борлиги, ўлкаимизнинг турли бурчакларида табиатнинг нозик рассом эканлигидан дарак берувчи табиий объектларнинг мавжудлиги ҳақидаги оммабоп нашрлар етарли эмас, деб ўйлаймиз.

Шунинг учун ҳам синфдан ташқари ишларни ҳозирги замон талаблари асосида олиб бориш ҳар бир синф раҳбаридан тинмай изланишни, вақтли матбуот нашрларидан ва Интернет тармоғидан турли маълумотларни йиғиб, умумлаштиришни, яъни ҳар бир мураббийнинг замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлишини тақозо қилади.

Кўрсатилган таклифлар асосида аниқ мавзулар танлаб олиниб, уларни синфдан ташқари ишлар давомида самарали тарзда ўқувчиларга еткази олиш мумкин. Қолаверса, республикаимизнинг турли ҳудудларидаги ҳамкасбларимизнинг синфдан ташқари ишлар борасидаги тажрибаларини доимий равишда омалаштириш ва алоҳида тўпламлар шаклида чоп этиш кўп минг сонли синф раҳбарларининг бу борадаги фаолиятлари самарасини янада ошириши шубҳасиз.

Хуршида ЗАРИПОВА,
Вобкент туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси



... Юракнинг эртаю кеч ду-
кллаб уриши — тириклик
белгиси. Ва яна шуниси ҳам
борки, бу нозик аъзо инсон-
да хулқ-атвори, хислатни
тарбиялайди. Айтишларича,
ҳар бир кишининг юраги
унинг муштидек катталикда
бўлар экан.

«Меҳмонхона» саҳифасига
юракнинг қандай алоқаси бор,
деб таажубланманг. Гап шун-
даки, Ўзбекистон халқ рассо-
ми — витраж санъати бўйича
етук мутахассис, Ўзбекистон
бадий академияси махсус жамғарма раиси **Аъзамхўжа Асқаров** ўз юрагидаги илиқ ҳароратни ижодга кўчириб, халққа танилди. Ҳароратки, унинг ижод намуналарига қоришиб кетган. Фақат ижод нозикликларини юрагидан илғай билладиган кишигина ўша ҳароратни туяди, ҳис қилади.



— Рассомлик — ижод-
нинг бир соҳаси. Бу касб-
ни эгаллаш ва унинг
орқасидан шон-шухратга
эришиш ҳар кимга ҳам
насиб этавермайди. Ана
шу касб эгаси сифатида
унинг мураккабликлари
нимада, деб биласиз?

— Тасвирий санъатда ан-
чагина йўналишлар бор.
Ижодкор рангтасвири тан-
лайдими, графикада ижод
қиладими, миниатюра санъ-
атини устун кўядими ёхуд
ҳайкалтарошлик намуналари-
ни яратадими, унга ўз қал-
бидаги ҳиссиётларни кўчи-
ради. Рассомнинг борлиқни
кузатиши, уни ўз онгу шуу-
ри билан англашга уриниши
ва кўрган-кечирганларини ўз
ижод маҳсулида тасвирлаши
унинг учун ижодий имкония-
тдир. Истеъдод меҳнат ор-
қали юзага чиқади ва у ҳар
кимга ҳам берилавермайди.
Рассомлар ўз ижод дунёси-
ни яратиш йўлида умр бўйи
изланадилар.

Бирор асарни дунёга кел-
тиришда, ҳар қандай ижод-
кор сингари рассом ҳам
«тўлғоқ азоби»ни бошидан
кечиради. Хонанда маъноли
кўшиқ яратиш учун кеча-
кундуз хиргойи қилади.
Ёзувчи ёки шоирнинг ўз мух-
лисига тортиқ этадиган ҳико-
яси ёки шеъри неча бор
қайта ишланади, неча бор
сайқалланади. Актёр бир об-
разни томошабин ҳукмига
ҳавола этгунга қадар неча
бор «ўлиб-тирилади». Худди
шулар сингари рассом чиз-
моқчи бўлган асари устида
ойлаб, баъзан йиллаб ма-
шаққат чекиши мумкин. Гоҳ
қисқа мuddат ичида яратил-
ган асар ҳам жозибатор чи-
қиб қолади. Гоҳида эса йил-
лар мобайнида уринган иш
ҳам кўнгилдагидек чиқмай-
ди. Шу bois рассом ижодий
устахонасида машаққат бил-
ан яратилган картина ёки
портрет мухлисни ўзига
оханрабодек тартади.

— Ҳар бир ижодкорнинг
кенг жамоатчилик томони-
дан эътироф этилган «шоҳ
асари» бўлади. Машҳур
италиялик рассом **Леонар-
до да Винчининг «Жакон-
да» асари дунё микёсида**
кенг шухрат қозонган
бўлиб, шу пайтга қадар
суратдаги аёл табассуми-
нинг ўзига хос сирини
тадқиқотлар олиб
борилмоқда. Ноёб асар яра-
тиш, унинг мухлисларга
маъқул келиши ва асрлар-
дан асрларга, авлодлардан
авлодларга ўтиши сиз-
нингча нима билан бог-
лиқ?

— Ижод аҳли борки, ярат-
ган асари билан жамоатчи-
ликни лол қолдирсам, дей-
ди. Лекин мухлисларни

фикрлаши, дунёқараши, жа-
ҳон маданияти, адабиёти ва
санъатидан хабардорлик да-
ражасига қараб тоифага аж-
ратадиган бўлсак, ҳар қан-
дай ижодкорнинг асарига
нисбатан ҳар хил баҳо ва таъ-
рифлар юзага келади.

Сиз таъкидлаганингиздек,
Уйғонми даврининг буюк
рассоми **Леонардо да Винчи**
яратган портрет чиндан ҳам
жозибатор, картинада одам-

куч-қувват ва маъно топган-
дек бўласиз.

— Умумий ўрта таълим
мактабларида эстетик
тарбияга хизмат қилувчи
тасвирий санъат фани
ўқитилади. Бу ишда
ўқитувчининг ҳиссаси
беқиёс эканлигини назар-
да тутсак, фикрнинг даво-
ми унда шаклланиши зар-
ур бўлган хислатларга
бориб тақалади.

— Тасвирий санъатга му-
ҳаббат бу ҳаётга, борлиққа
меҳр бериш, деганидир.
Умумий ўрта таълим мактаб-
ларида бу фан биринчи
синфдан бошлаб ўқитилади.
Илк ёш даврида ҳар бир ки-
шида расм чизишга мойил-
лик кучли бўлади. Эътибор
берганмисиз, «Гунча», «Гул-
хан» журналларида мактаб
ўқувчиларининг содда, сами-
ий расмлари эълон қили-
нади. Чуқур разм солиб
қарасангиз, ҳар битта расм
замирида болаларча куза-
тиш ва идрок борлигини се-
засиз. Бола қайси соҳага
қизиқмасин, барча фан
ўқитувчилари сингари тас-
вирий санъат фанидан дарс

да ва ундаги ранглар уй-
унлаштирилганида, болага
эстетик завқ берадиган ман-
заралар вужудга келди. Бе-
зак ишларида ранглар бир-
бирини такрорламаган, гул-
лар ҳам ўхшаш эмас. Мабо-
до ойна синса, болага зарар
етказмайдиган ҳолатлар ҳам
ҳисобга олинган.

«Баркамол авлод йили»
муносабати билан Наманган
шаҳридаги мусиқали драма
театри қиёфаси ўзгартирил-
моқда. Вилоят «Ёшлар мар-
кази»да маҳобатли миниатю-
ра деворий санъат асари
яратилаяпти.

— Таълимнинг ихтисос-
лашувидан кўзланган
мақсад ҳар бир соҳа учун
етук кадр тайёрлашдан
иборат. Зеро, ўз соҳаси-
ни миридан сиригача
ўрганган мутахассиснинг
жамиятдаги ўрни ҳам
аниқ. Санъатнинг турли
йўналишларида фаолият
кўрсатувчи ихтисослаш-
тирилган мактаблар билан
Ўзбекистон Бадий ака-
демиясининг ўрнатган
алоқаси хусусида нима
дея оласиз?



катта аҳамият берилаётгани-
дан далолатдир.

1994 йили республика
рассомчилик коллежида Ба-
дий академия раҳбарияти
ташаббуси билан бадий
шиша бўлими очилди. 8 на-
фар болани қабул қилдик.
Фоят нозик ва машаққатли
ҳисобланган бадий шиша-
га қўл уришдан аввал мен
Ўзбекистон халқ рассоми
Жалил Ҳакимов, Ўзбекистон-
да хизмат кўрсатган санъат
арбоби **Тойир Тўхтаўжаев**-
дан сабоқ олганман. Ҳозир-
ги пайтда мендан шишага
ишлов бериш бўйича сабоқ
олган ёшлар «устоз» деб му-
рожаат қилишади.

Витраж санъатини шогирд
устозининг йўл-йўриқлари-
сиз эгаллай олмайди. Чунки
шишадан санъат асарини
яратиш — фантазия эмас,
балки нина билан кудуқ
қазишдек мураккабдир. Ши-
шага ишлов беришнинг 29
хил усули бор. Шижанинг
кимёвий, физикавий хосса-
ларини билмай туриб, унга
ишлов бериб бўлмайди. У
1470 даража ҳароратда
эрийди ва эригач, худди
қаймоқ сингари суюқлик
ҳосил бўлади. 20-30 дақиқа
ичида унга шакл — нақш
ёки гул солиб улгурилмаса,
у қотиб қолади. Табиийки,
бу нозик хомашёга ишлов
беришда 20—30 дақиқа кўз
очи-юмгунчалик фурсат
бўлгани учун у қайтадан эри-
тилади. Барча ижод наму-
наларимиз шу тариқа дунё-
га келади. Пойтахтимиздаги
замонавий санъат маркази-
да олма, нок, қовуннинг ши-
шадан ишланган шакли бор.
Бунинг учун Тошкент мине-
рал сувини ишлаб чиқаради-
ган корхонага бориб, минг-
лаб шиша синиқларини йи-
гишимизга тўғри келган.
Уларни эритиб, мева шакли-
га келтириш жараёни бошқа
касб эгаларини ҳайратга сол-
май иложи йўқ.

— Авлодлар ўртасида-
ги узвий алоқа, муайян
йўналишдаги касб эгала-
рининг яқиндан муносабат
ўрнатишлари туфайли та-
комиллашиб, янгиликлар
боради. Ўзбек рассомла-
ри ижодида бу ҳолатни
кузатиб келаётган бўл-
сангиз, қандай хулосага
келгансиз?

— Витраж санъати бизда
нисбатан янги йўналиш.
Ҳозирги вақтда мамлақати-
миздаги йирик иншоотлар,
корхона ва муассасаларда бу
санъатнинг нозик ва ҳайрат-
ланарли жиҳатлари халқи-
мизга намойиш этилмоқда.

Ҳар қандай соҳада бўлган
каби тасвирий санъат ҳам
кўҳна аънаналар негизида
замонавий усуллар билан
бойиб боради. Ёш рассом-
ларимиз ижодида таниқли
рангтасвир, портрет, графика
жанри усталари бўлган
Рўзи Чориев, **Чингиз Аҳма-
ров**, **Кутлуг Башаров**, **Неъмат
Кўзибоев** сингари мўйқалам
сохибларининг услубларини
кузатиш қийин эмас.

— «Ma'rifat» мухлисла-
рига изҳор этадиган ти-
лакларингиз?

— Мухлисларимиз қалби-
да эзгулик уруғи кўкариб,
ҳосил бераверсин.

Хулкар ТҮЙМАНОВА
сўхбатлашди.

Аъзамхўжа АСҚАРОВ:

"ИЖОДКОР БОРЛИҚНИ АНГЛАЙ ОЛИШИ ЛОЗИМ"

ни ўзига тортувчи қувват бор.
Сиз ундан қанчалик узоқла-
шишга ҳаракат қилманг, у
сизни шунчалик ўзига оҳан-
рабодек тартади. Бу беқиёс
асар «Жаконда», «Мона
Лиза», «Қошсиз Мадонна»
номлари билан аталиши
кўпчиликка маълум. Буюк
рассомнинг маҳорати шунда-
ки, у аввало одам анатомия-
сини чуқур билган ва уни
психологик ҳолат билан бир
бутунликда тасвирлай олган.
Жакондо учта сигментга
ассосланиб яратилган, яъни
биринчиси, иккала кўз билан
буруннинг туташуви, иккин-
чиси, бурун билан лаб ора-
сидаги боғлиқлик ва ниҳоят
огиз билан даҳанни ушлаб
турган куч томошабини
ўзига сеҳрлайди. Рассом бу
портретда бир нечта психо-
логик ҳолатни беришга ҳара-
кат қилган ва бунга эриш-
ган.

Неча асрлар ўтган бўли-
шига қарамай, Жаконда бу-
тун одамзодга сирли жил-
маяди. Чунки **Леонардо да
Винчи** ана шу асарни яра-
тиш учун ўзини бағишла-
ган, бутун қалб кўрини су-
ратга жойлаган. Мен халқи-
мизнинг таниқли рассоми
Абдулҳақ Абдуллаев ижодида
мансуб **Навоий** портрети-
ни, таъбир жоиз бўлса,
«Мона Лиза» даражасидаги
асарлар қаторига қўйган
бўлардим. **Раҳим Аҳмедов**-
нинг «Тонг», «Она» асарла-
рида ҳам реалистик, ўзига
хос психологик ҳолатни
кўрганман.

Американинг «Метрополи-
тен» музейида XIX аср охи-
ри, XX аср бошларида яшаб
ижод қилган 36 нафар фран-
цуз рассомининг ижод наму-
наларини кўришга муваффақ
бўлганман. Уларнинг ҳар би-
рида катта маъно бор, ти-
килганингиз сайин ундан

берувчи муаллим ҳам ўз
касби тақозо этган жиҳатлар-
га эътибор қаратиши лозим.
Ўқитувчи тасвирий санъат на-
муналари қандай яратилиши-
дан бохабар бўлиши керак.

Мен ҳам бироз мuddат на-
фис санъат бўйича дарс бер-
ганман. Бу йўналишга ўқув-
чиларни қабул қилиш учун
ҳозирги **Авлоний** номидаги
Халқ таълими ходимлари ма-
лакасини ошириш ва қайта
тайёрлаш марказий институ-
тидан вакиллар келишар,
болаларни бирма-бир синов-
дан ўтказишарди. IV синфга
чиққан пайтда бу йўналиш-
га қабул қилинган болалар
ўзлаштирган билимларини
ўз ижод намуналари орқали
намойиш қилиб беришарди.

— Ўзбекистон Бадий
академиясига қарашли
махсус жамғарма акаде-
миянинг моддий-техник
базасини мустаҳкамлаш,
ёш ижодкорларни қўллаб-
қувватлаш, уларнинг ижо-
дий лойиҳаларини амал-
га ошириш каби маъри-
фий вазифалар билан шу-
ғулланиб келади. Жам-
ғарманинг истиқболдаги
вазифалари қандай?

— Махсус жамғарманинг
кейинги икки йиллик фао-
лияти қизгин кечди. Давлат
қурилиш объектларида, ли-
бослар уйида олиб борил-
ган безак ишларида жам-
ғармага уюшган ижодкорлар-
нинг ҳиссаси катта бўлая-
пти. Самарқанд вилоятида тик-
ланган **Имом ал-Бухорий**
мажмуаси деворига ишлан-
ган миниатюра ишлари, ай-
ниқса, диққатга сазовордир.
Анджон шаҳридаги меҳри-
бонлик уйи 19та коттеждан
иборат бўлиб, биз ана шу
биноларнинг ички эшиқлари-
ни безаш ишларини бажар-
дик. Эшик ойнасига худди
ганч каби ишлов берилган-

— Ўзбекистон Бадий ака-
демияси тасарруфида 12та
ихтисослаштирилган мактаб-
интернат ва академик лицей
бор. Улар билан мустаҳкам
ҳамкорлик ўрнатиш натижа-
сида эътироф этишга арзи-
гулик ютуқларга эришилмоқ-
да. Хусусан, Тошкент ша-
ҳридаги республика ихтисос-
лаштирилган мактаб-интер-
нати ўқувчиларидан 8 нафа-
ри 2008 йили Пекинда
ўтказилган 4-халқаро бола-
лар кўргазмасида иштирок
этиб, совриндор бўлди. Бун-
дан ташқари, «Янги авлод»
фестивалида ҳам академия
тасарруфидаги ихтисослаш-
тирилган мактаб ўқувчилари-
нинг иштироки муваффақи-
ятли бўлмоқда.

Бадий академияга уюш-
ган халқ рассомлари, уста ва
наққошлардан бир гуруҳи
9—14 март кунлари «Маҳо-
рат мактаби» дарсларини
уюштиришди. Бунга ҳар бир
таълим даргоҳидан камида
уч нафар ўқувчи таклиф
қилиниб, ўз йўналишида ма-
ҳоратини чархлади. 50 на-
фар ёш ижодкорга акаде-
мия томонидан сертификат
берилди.

— Устоз-шогирдлик
анъанаси халқимиз ҳаёти-
нинг маълум бир бўлаги
ҳисобланади. Бу анъана
сизнинг ижодингизда
қанчалик даражада аҳа-
мият касб этган?

— Янглишмасам, **ЮНЕС-
КО**нинг Ўзбекистондаги ва-
колатхонаси томонидан ус-
тоз-шогирдлик анъанаси
бўйича танлов уюштирил-
ган эди. «Санойи Нафиса» гу-
руҳига уюшган 4 нафар рас-
сом ана шу танловда мини-
атюра санъати бўйича грант
ютиб олди. Бу тадбир дунё-
нинг бошқа мамлакатлари-
га рағандо, санъатга бизда



АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ИНТЕРНЕТ

ёхуд унинг «беминнат» хизмати

Инсон фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олаётган глобаллашув жараёни бутун инсоният тамаддуни ва маданиятида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Олимлардан бирининг таъбири билан айтганда: «...Гарчи глобаллашув умумжаҳон тамаддуни, тарихий тараққиётининг натижаси ва янги босқичи бўлса-да, у янги тамаддуни дунёга келтирмоқда».

Глобаллашув жараёнида Интернет кишилар кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари, айниқса, глобал тармоқнинг шиддат билан ривожланиши виртуал макон аудиториясининг ўсишига сабаб бўлаётир. Тўғри, Интернет — инсон тафаккури қудратининг маҳсули. Шу ўринда виртуал макон афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг инсон маънавиятига соя солаётган хавф-хатарлари хусусида сўз юритишни жоиз топдик.

Бугунги ёшлар дунёқарашини, онгу тафаккури, ҳаётга бўлган муносабати ўзгача. Лекин ана шу «янги» дунёқарашнинг асоси, хусусиятлари нималардан иборат? Сўзсиз, Интернет аудиториясининг энг фаол ва энг кўп қисмини — «янги» дунёқарашли ёшлар ташкил этади. Виртуал оламдаги ҳар қандай ахборот оқимининг ёшлар маънавиятига таъсири хусусида сўз юритганимизда, аввало, бу масала замирида жамият ва давлатимизнинг миллий хавфсизлиги ётганини назарда тутишимиз лозим. Шуни айтиш жоизки, ахборот оқими ўз моҳиятига кўра маълум бир мақсадга йўналтирилган бўлади. Юртбошимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «... баъзан беозор бўлиб туялган музика, оддийгина мултифильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланadi».


Ахборотлашган жамиятда зарур маълумотларга эга бўлиш учун интилиш замон талаби ҳисобланади. Бугунги кунда ёшларнинг аксарияти асосий ахборот манбаи сифатида Интернетга мурожаат қилади. Аммо тизимдаги ҳар ўнта сайтдан олтитаси ахлоқсиз мазмунга эга экани дунё аҳлини

ташвишга солмоқда. Бунга асос сифатида contentfiltering.ru электрон манбасида берилган куйидаги маълумотларни келтириш мумкин: «2008 йил якунига кўра Интернетда мавжуд бўлган ахлоқсиз мазмундаги сайтларнинг умумий даромади 97,3 миллиардни ташкил этган. Интернетдаги тил ўргатувчи, ахборот етказиб берувчи ва яна шунга ўхшаш бошқа фойдали сайтлар даромади эса юқоридаги сайтлар даромадининг чорак қисмини ҳам ташкил этмайди. Ҳар дақиқада 28,258 нафар фойдаланувчи бу каби веб-саҳифани кўраётган пайтда тил ўрганувчи талабалар эса юқоридаги рақамнинг учдан бирини ташкил этади».

Ёшларнинг онгини захарлаб, руҳий таъсир қилаётган ахборотлар қидирув тизимларининг бош саҳифасида фойдаланувчи эътиборини ўзига тортадиган турли андишасиз сурат, видеолавҳа ва реклама роликлари орқали намоён бўлади. Аҳвол шу даражага етдики, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, таълим-тарбия билан боғлиқ сайтларнинг бир четига беҳаё суратли рекламалар жойлаштирилган бўлса, ҳозир ахлоқсиз сайтларга ҳуқуқий ва сиёсий мавзудаги материалларни жойлаштириш одатга айланган. Энди бир тасаввур қилинг: ҳуқуқий-сиёсий ёки маънавий мавзудаги ахборотни қидирган фойдаланувчи беихтиёр ана шундай сайтларнинг бош саҳифасига кириб қолиш эҳтимоли янада кучаяди. Шундан сўнг унинг диққати қандай ахборотга қаратилишини эса фақат тахмин қилиш мумкин, ҳолос. Ахлоқсизликни тарғиб қилувчи шу каби манбалар бутун жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини бефарқ қолдирмаётган

ни табиийдир. Аксарият ҳолларда бундай ахборот уни қабул қилишга ҳали тайёр бўлмаган ёшларнинг руҳияти ва саломатлигига салбий таъсир ўтказиб, маънавий ривожига путур етказиши мумкин.

Бугун дунёнинг қатор мамлакатларида ушбу муаммони бартараф этишнинг ишончли воситалари ишлаб чиқилмоқда. Масалан, Хитойнинг миллий Интернет доменида ҳар қандай андишасиз фотосуратларни аниқлаган инсонга маъ-



Исроилда эса махсус ультратовушли асбоб ишлаб чиқилди, унинг ёрдамида фойдаланувчининг ёшини аниқлаш мумкин. Агар у ёш бўлса, автомат равишда ҳаёсиз сайтларга киролмайди. Бирлашган Араб Амирликларида глобал тармоққа кириш мамлакатдаги ягона Интернет-провайдер — Etisalat орқали амалга оширилади. Саудия Арабистонида эса «Internet national» номли комплекс метод ишлаб чиқилиб, унинг воситасида фойдаланувчилар манзили ва жўнатилаётган хабарлар филтрланади.

Айни шу муаммо юзасидан ёшларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш ва уларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан танишиш мақсадида кичик тадқиқот ўтказдик. Ижтимоий-психологик сўровнома онлайн шаклда Mail.agent мулоқот дастури ёрдамида аноним ҳолда умумтаълим мактаблари, академик лицейнинг юқори синф ўқувчилари ва университет талабалари ўртасида ўтказилди. Олинган натижалар куйидаги жадвалда кўрсатилган:

Dolzarb mavzu

лум миқдорда мукофот берилиши ваъда қилинган. Америка Қўшма Штатларида мактабларни шу мазмундаги сайтлардан муҳофаза этиш мақсадида контент филтрлар билан таъминлаш учун маблаг ажратилган. Австралия таълим вазирлиги барча мактаб ва университетларда андишасиз сайтларга киришни тақиқлаш учун 1,3 млн. доллар сарф қилди.

№	Савол	Вариант	30 нафар мактаб ўқувчилари	25 нафар лицей ўқувчилари	30 нафар университет талабалари	Жами 85та
1	Интернет — сиз учун нима манбаи?	А. Билим олиш	10	22	20	44,2 %
		Б. Қизиқиш	12	0	4	13,6 %
		С. Дам олиш	8	3	6	14,5 %
2.	Интернетдан асосан қай мақсадда фойдаланасиз?	А. Таълим олиш мақсадида (ўқув жараёни билан боғлиқ материалларни йиғиш, тил ўрганиш)	8	15	22	38,2 %
		Б. Вақт ўтказиш мақсадида (чат, почта, ўйинлар)	12	8	8	23,8 %
		С. Ҳеч қандай мақсадсиз	10	2	0	10,2 %
3	Интернет учун қанча вақт сарфлайсиз?	А. 6-8 соат	5	2	0	5,6 %
		Б. 3-5 соат	10	18	14	35,7 %
		С. 1-2 соат	15	5	16	30,6 %

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, тез суръатда ривожланаётган ахборий жамият шароитида ўзини панага олиб эмас, балки келаётган ҳар бир ахборотга миллий манфаатлар нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда тўғри тушунчани шакллантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.


Фарида РАҲИМОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика
факультети талабаси

ЖАБР КЎРГАНЛАР СОНИ ОШМОҚДА

Бир неча кун аввал Хитойнинг шимоли-шарқий провинцияси Цинхайда содир бўлган ҳалокатли зилзила туфайли жабр кўрган инсонлар сони кескин ошиб бормоқда. Ҳозирга қадар табиий офат натижасида 760 киши ҳалок бўлгани аниқланди, деб хабар берди «Синьхуа» ахборот агентлиги. Шу билан бирга, 250 нафарга яқин одам ҳамон бедарак йўқолганлар рўйхатида, мингдан ортиги эса турли даражадаги жароҳатлар туфайли оғир аҳволда.

Рихтер шкаласи бўйича 7,1 балл даражадаги зилзила асосан Тибет тоғ тизмаси яқинидаги ҳудудда кузатилган. Маҳаллий ОАВ маълумотларига кўра, зилзила пайтида бу ердаги 90 фоиз иншоотлар, жумладан, мактаб, электр қуввати объекти, йўл ва ёқилғи шохобчалари вайрон бўлган, ҳудуд билан алоқа узилган. Табиий офатдан Цзегу шаҳри энг кўп зарар кўрган.

Айни пайтда ҳам бу ерда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилиб, вай-



роналар остидан омон қолганлар изланмоқда. Уларда кўп сонли мутахассислар ва маҳаллий аҳоли вакиллари махсус техника жиҳозларидан фойдаланган ҳолда иштирок этишяпти. Қутқарувчиларнинг айтишича, харобалар остида тирик қолганларни топиш вақт ўтган сари қийинлашиб бормоқда. Боси, Цинхай провинцияси денгиз сатҳидан тўрт минг метр баландиқда жойлашган, бу ердаги ҳарорат айни кунларда-3 даража. Бу — омон қолганлар кучли шамол эсаётган совуқ об-ҳавода тунни ўтказишига тўғри келаяпти, дегани. Шу пайтгача олинган маълумотларга қараганда, офат туфайли жами 11 мингдан ортиқ аҳоли жабр кўрган.

ПАРВОЗЛАР ТЎХТАТИЛДИ

Исландия жанубидаги Эйфялайкюл музлигида жойлашган вулқон отилиши кўплаб Европа мамлакатларидаги парвозларнинг бекор қилинишига олиб келди. Хусусан, Буюк Британиядаги кўплаб аэропортлар ёпилиб, фақат фавқулодда ҳолатларда парвозга рухсат берилиши маълум қилинган. Сабаби, расмий вакиллар вулқон кули натижасида ҳосил бўлган булутлар самолёт двигателларида зарар етказиши мумкинлигидан хавотирда. Бу ҳақда «Скай-Ньюс» хабар берди.

Аслида бундай қарор дастлаб Норвегияда қабул қилинганди. Унга кўра, Осло шаҳрида жойлашган мамлакатнинг энг йирик аэропорти иши тўхтатилиб, ҳаво фазоси вақтинча ёпилган. Шундан сўнг ҳаво маконида учувчи парвоз йўналишини тўғри олишга ҳалал берадиган булутлар кузатилган ҳудудда ҳаракатлар тўхтатила бошланди.


Сўнгги маълумотларга қараган-



да, тутунли булут Германия ҳаво маконига етиб борган. Эҳтиёт чоралари Ирландия, Норвегия, Шотландия, Дания, Швеция, Бельгия, Литва, Голландия, Франция, Польша, Австрия, Германия ва Финляндия каби мамлакатларда ҳам кўрилиб, аэропортлар фаолияти қисман ёки тўлиқ тўхтатилган. Мутахассисларнинг маълум қилишича, «вулқон булутлари»нинг жануб ва жануби-шарқ томонга ҳаракатланаяпти.

МИЯНИ СКАНЕРЛАШ МАРКЕТИНГГА ҚЎЛ КЕЛАДИ

Келгусида маркетинг бўйича мутахассислар илгор технологияларни қўллаб, қандай маҳсулот энг эҳтиётлаб бўлишини ҳатто унинг ишлаб чиқилишидан олдин ҳам билиш имконига эга бўладилар. Бунда, хусусан, мияни сканерлашнинг янги усули яхши натижа беради. Мазкур хулосани океан ортидаги Дьюк ва Эмори университетларининг илмий ходимлари янги таҳлил асосида ўтказилган изланиш якунида беришган, деб ёзади «Нейчз Ревьюс».



«Нейромаркетинг» номини олган илм-фаннинг янги йўналиши инсон мияси бўйича олиб борилган сўнгги тадқиқотлар натижалари ва замонавий техника воситаларидан фойдаланиб, хариддор эҳтиёжи ёки талабини ўрганишни назарда тутди. Бир қарашда бу маркетинг (бозор муносабатлари мутахассиси)лар томонидан инсон миясини ўқиш жараёнига ўхшайди. Айна пайтда нейромаркетинг хариддорнинг ўзи ҳам тўлиқ англаб етмаган, аммо эҳтиёж сезаётган маҳсулоти борасидаги маълумотни олишда мутахассисларга қўл келади.

Тадқиқот иштирокчиларидан бири, психология ва иқтисодиёт фанлари профессор Дэн Эйрли самарали фаолият юрит-

моқчи бўлган ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси нейромаркетинг усулларини билиши зарур, деган фикрда. Олим изланиш доирасида нашр эттирган мақоласида истиқболли нейромаркетингни қандай усуллар билан амалга ошириш борасида маслаҳатлар берган.

САБАБИ ҲОЗИРЧА НОМАЪЛУМ


Франция жанубида «Патрул де Франс» учувчилар гуруҳининг самолёти ҳалокатга учради, деб хабар берди «Франс Пресс» ахборот агентлиги. Учувчи парашют билан тушиш учун аппарат ичидан автоматик равишда отиб юборадиган механизм ёрдамида самолётдан тушиб қолишга муваффақ бўлган. Ҳозирда унинг енгил жароҳат олгани ва ҳаёти хавф остида эмаслиги маълум.

Ноҳуш ҳодиса Воклюз департаментида содир бўлиб, бу одатда учувчилик санъатини намойиш қилувчи гуруҳ вакиллари тайёргарлик машғулотларини ўтказиш ҳудудидир. Айтиш зарурки, «Патрул де Франс» дунёдаги энг таниқли моҳир учувчилар гуруҳларидан бири ҳисобланади. Унинг вакиллари Франция ва Германия ҳамкорлигида ишлаб чиқариладиган «Алфажет» самолётларида парвоз қилади. Айна пайтда самолёт нима сабабдан фалокатга учрагани тўғрисидаги ҳеч қандай маълумот берилгани йўқ.



«ФЕНИКС»ГА СЎНГГИ ИМКОНИАТ БЕРИЛДИ

Марсдаги «Феникс» самовий аппаратининг қай ҳудудда эканини аниқлаш бўйича навбатдаги уриниш муваффақиятсиз якунланди. НАСА мутахассислари у билан боғлиқ яна бир маротаба ҳаракат қилиши маълум қилинди. Аммо бу сўнгги уриниш бўлади, деб хабар берди space.com сайти.



Айтиш зарурки, бу охириги тўрт ой мобайнидаги учинчи уринишдир. Бундан олдин ҳам «Феникс» томонидан узатилган сигнални аниқлашнинг имкони бўлмаганди. Ҳозирда мазкур вазифа Марс орбитасидаги «Марс Одисси» зонди зиммасида. Олимларнинг таъкидлашича, «Феникс» аппарати топиш имконияти у даражада юқори эмас. Сабаби, у «Қизил сайёра»да кузатиладиган совуқ қиш шароитига мўлжалланмаган эди.

МУКОФОТНИНГ ЯНГИ ЭГАЛАРИ

Журналистика ва бадиий адабиёт соҳаларининг номдор мукофотларидан бири Пулитцер совринининг галдаги соҳиблари Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган тадбирда эълон қилинди.



АП берган маълумотларга кўра, бунда энг нуфузли «Жамият олдидаги хизматлари учун» номинациясида «Бристол Хералд Курьер» нашри ғолиб бўлиб, махсус олтин медаль соҳибига айланди. Адади 40 мингга яқин нашрнинг бундай мукофотга лойиқ топилишига ёш журналист Даниэль Жилберт мақоласи сабаб бўлди. Унда газ захираларини аниқлаш бўйича ишланмалари учун ҳудуд эгаларига белгиланган миқдордаги пулни тўлашда амалга оширилган фирибгарликлар фош этилганди. Муаллифнинг су-

риштирув ишлари якунида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида махсус буйруқ ишлаб чиқилган.


Энг кўп совринга эга бўлган нашр эса бу «Вашингтон Пост» газетасидир. Ўтган йилги фаолияти сарҳисоб қилинганида пойтахтда чоп этиладиган мазкур газетада халқаро репортаж, очерк, шарҳ ва адабий танқид йўналишларига кўп ўрин берилгани сезилди. Унинг асосий рақиби «Нью-Йорк Таймс» эса иккита номинация бўйича ғолиб бўлди. Ушбу газета мухбирлари «Мамлакат ички ҳаётини ёритиш» ва «Юксак маҳорат» борасида пешқадам экан. Шу билан бирга, «Сиэтл Таймс», «Нью-Йорк Таймс Мэгезин» нашрлари ҳам совриндорлар қаторидан жой олди. Бадиий адабиёт бўйича эса мукофотни Пол Хардинг қўлга киритди.

Самовий аппарат 2008 йилнинг май ойидан ноябригача Марснинг шимолий кутбида фаолиятда бўлган. Бу муддат ичида унинг ёрдамида сайёранинг тупроғи хусусиятлари, атмосферасини ўрганиш имкони туғилди. Қолаверса, айнан «Феникс» туфайли Марсда сув борлиги аниқланди. У билан охириги мартаба ўша йилнинг 2 ноябрида алоқа ўрнатилганди. Шундан сўнг аппарат билан боғлиқнинг иложи бўлмади.

ЎСМАНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МУМКИН!

Британиялик олимлар саратон ҳужайраларининг лазерли терапияга чидамлилигини оширувчи генни аниқлашнинг уддасидан чиқди. Би-Би-Си берган маълумотларга кўра, мазкур ген фаолиятини сусайтириш бўйича тадқиқотда зарарланган ҳужайраларнинг радиацияга таъсирчанлик хусусияти ошган.

Аслида зарарли ўсмаларни бартараф этишнинг самарали йўлларида бири уларни радиактив нурлантириш терапияси ҳисобланади. Шу сабаб Оксфорд университети олимлари бу борада изланиш олиб боришган. Улар саратон ҳосилаларининг нурланишга чидамлилик сабабини ўрганиш мақсадида зарарланган ДНКни тиклашда қатнашадиган 200та генни тадқиқ этишган. Натижада, POLQ деб номланган ген уларнинг алоҳида эътиборини тортган. Тажибада турли ўсмалар аниқланган, хусусан, томоқ ва ошқозон ости беги саратони кузатиладиган пайтда мазкур ген фаолиятини тўхта-тиш оқибатида касалланган ҳужайраларнинг нур терапиясига таъсирчанлиги камайгани аниқланди.



Худди шундай тажиба зарарланмаган соғлом ҳужайра тўқималари устида ҳам амалга оширилди. Бунда POLQ ген фаолияти уларнинг радиацияга таъсирини ўзгартирмаган. Ушбу натижалар бундан олдинги изланишлар хулосасини яна бир бор тасдиқлади, чунки бироз муддат аввал соғлом ҳужайраларда бу ген фаол бўлмаслиги эълон қилинганди. Тадқиқот раҳбари Жефф Хиггинснинг таъкидлашича, геннинг мазкур ўзига хосликлари нур терапияси самарасини оширувчи янги турдаги дори-дармон воситаларини ишлаб чиқиш учун имкон туғдиради.


ГЛОБАЛ ИСИШНИНГ ЯНА БИР САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Мутахассислар глобал исиш жараёни дунёда турли аллергия касалликларнинг кўпайишига олиб келиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Масалан, жорий йилда совуқ қишдан сўнг баҳорнинг эрта бошланиши биргина АҚШда шундай хасталикларнинг нисбатан кўпроқ кузатилишига олиб келди. Тадқиқот натижаларининг батафсил баёни «Неосайнс» илмий журналида чоп этилди.

Аниқланишича, асосий аллергия кўзгатувчи ҳисобланган гулчангининг бир куб метрдаги даражаси 120дан ошса, бу унинг кўрсаткичи юқори эканини билдиради. Охириги тадқиқот фақат Атланта шаҳри (Жоржия штати)нинг ўзида 1 куб метрда 5722та чанг зарралари борлигини кўрсатди. Тадқиқотчилар глобал исиш жараёни тўхтамас, бир неча ўн йиллардан сўнг аҳвол оғирлашиши ҳақида хабар беришяпти.

Изланишлар раҳбари Аманда Скодт бу борада қуйидагиларни айтиб ўтган: — Одатда карбонат ангидриднинг атмосферада кўпайиши ўсимликларнинг тез суръатларда ўсишига олиб келади. Нисбатан юқори ҳарорат эса баҳорнинг эрта бошланишига туртки бўлиб, ўз навбатида мазкур ҳолат аллергия касалликларнинг кўзгалиши вақтли ва кўп кузатилади, дегандир.

Изланишларнинг кўрсатишича, бу йил мамлакатдаги баҳор об-ҳавоси 20 йил олдингига қараганда 14 кун илгари бошланган.




Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

ЎСИМЛИКЛАРДАН ОЛИНАДИ

Олимлар томонидан ишлаб чиқилган ғайриоддий лойиҳа туфайли ўсимликлардан ҳам электр тоқини олиш мумкин бўлади, дейилади «Ньюсайентист» манбасида. Тузилишдан бу табиийга жуда ўхшаш сунъий барглardan иборат ишланмадир. Мазкур яратма сув остидаги капиллярлар тизими бўлиб, уларнинг энг ингичкалари ташқи томонга чиқарилган. Капиллярлардан бирига электр тоқи занжирини ҳосил қилувчи электродлар уланган.

Лойиҳа муаллифларининг фикрича, уларнинг саъй-ҳаракатлари келгусида ўсимликларни фойдаланишга яроқли электр тоқи манбаига айлантиришга қаратилган. Таъкидлаш жоизки, ҳозирда янги ишланма маълум миқдордаги электр қувватини ишлаб чиқариш имконига эга, гарчи бу маиший хизмат кўрсатиш учун етарли бўлмас эди. Шу сабаб олимлар «ускуна»ни такомиллаштириш бўйича янги изланишлар олиб боришмоқда.

Акбаржон РАСУЛОВ тайёрлади.



Низомий номидаги ТДПУ ректорати, касаба уюшмаси, профессор-ўқитувчилари Физика ва математика факультети «Физика ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси профессори

Аҳмаджон БОЙДЕДАЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси илмий ходим Аъзамжон Қозихўжаевга онаси

ХИДОЯТХОН АЯнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



МУАЛЛИМ БАХТИ

Хозирги тезкор тараққиёт даврида юқори малакали кадрларсиз мамлакат келажакни тасаввур этиш қийин. Шунинг учун юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб бу масала давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бирига айланди.

Изланувчан, ўз касбини мукаммал ўзлаштира оладиган, эгаллаган назарий билимини амалиётда қўллай билладиган кадрлар тайёрлашда эса педагог устозларимизнинг роли каттадир.

Ҳазорасп саноат касб-хунар коллежининг биология фани ўқитувчиси Ражаббой Мирзаев ҳам ана шундай давр юқини зиммасига олган жонкуяр устозлардан бири. У ўз соҳасининг мукаммал билимдони сифатида ўттиз йилдан ортиқ вақт давомида ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда.

— Шунинг қувонч билан айта олишим мумкинки, ҳозирги ёшлар билимга ташна, тиришқоқ ва изланувчан. Улар билан ишлаш мароқли, — дейди Ражаббой ака. — Билим даргоҳимизда таҳсил олаётган ёшлар таълим, хунар сирларини ўрганиш билан бир қаторда турли кўрик-танловларда ҳам фаол қатнашиб, ижобий ютуқларга эришиб келаётир. Биз ўқитувчилар ўқувчиларимиз ҳаётда ўз ўрнини топишини истаймиз.

Ражаббой Мирзаев ёшларга биология фанидан билим беришда ўзига хос, самарали усул яратган. У раҳбарлик қилаётган «Ёш экологлар» тўғарагида ўқувчиларнинг назарий билимлари амалиёт билан уйғунлаштирилди. Натижада, болаларда табиатни севиш, уни асраб-авайлашга иштиёқ янада ортмоқда. Устознинг инновацион педагогик технологиялар ва янги ахборот воситаларидан фойдаланиб, дарс ўтиш самардорлигини ошириш йўлида олиб бораётган илмий-услубий фаолияти жамоадошларига ибрат бўлмоқда.

— Коллежимизнинг ўзига яраша ютуқлари бор, — дейди Ражаббой Мирзаев. — Ҳар бир дарс пухта тайёргарлик асосида кўргазмалар қуроллар ва техник воситалардан фойдалан-

ган ҳолда ўтилади. Бундай ўқув ва таълим-тарбия ишларини амалга оширишда коллежимизда барча шарт-шароитлар мавжуд.

Р.Мирзаевнинг шогирдлари биология фанидан вилоят, республика миқёсида фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб келаётир. Шогирдларидан бири Хушнуд Искандаров Шахрисабз ва Андижон шаҳарларида ўтказилган республика фан олимпиадасида биринчи ўринни эгаллаб, «Кичик академик» номини олган.


Ўқитувчилик — машаққатли касб. У тинимсиз изланиш, тажриба ва малака оширишни талаб қилади. Шундай широр билан меҳнат қилаётган Ражаббой Мирзаев амалга оширган ишлари натижасини кўриб қувонади. Унинг шогирдлари орасида таниқли олимлар, етук мутахассислар кўп. Бугун улар юртимизнинг нуфузли олий таълим даргоҳларида меҳнат қилиб, Ражаббой ака аънасини давом эттирмоқдалар. Ўзбекистон Миллий университети биология фанлари номзоди Каландар Сапаев, шу факультетнинг ўқув ишлари бўйича декан муовини Фарҳод Сайдаметов ва бошқалар устоз йўлидан бориб, ёшларга таълим-тарбия бериб келишмоқда. Улар эришаётган ютуқларда ўз ҳиссаси борлигини билиш ва шундай эътирофга мушарраф бўлиш муаллим учун катта бахтдир.

Донишмандлар бахтни шундай изоҳлайди: яхши амал — хайрли иш, яхши ном — ўзидан сўнг яхши илми, фарзандларининг қолиши. Ражаббой ака том маънода бахтиёр инсон. Зеро, унда ушбу хислатларнинг барчаси мужассам.

Бахтиёр МАТЧОНОВ,
Низомий номидаги ТДПУ
ўқув бўлими ходими

Орамизда шундай фидойи инсонлар борки, уларнинг ҳар бир иши барчага ўрнак, намуна бўлса арзийди. Агар у инсон минглаб ўғил-қизларнинг устози бўлса ундан ҳам яхши. Чунки гайратли ва талабчан инсон қўлида таълим-тарбия олган шогирдлар ҳам эртага эл қорига ярайдиган бўлиб етишадилар-да.

Ана шундай заҳматкаш, ўз ишининг устаси бўлган устозлардан бири Мирзапўлат



бат асосида саралаб олинди. Айни вақтда бу ўқув даргоҳига тажрибали, билимдон педагоглар жамоаси ҳам жалб қилинди. М.Имомов раҳбарлигида қисқа фурсат ичида таълим-тарбия соҳасида самарали ишлар амалга оширилди.

Мактаб-интернатда бу йиллар ичида ота-оналар, ҳомийлар ва туман ҳокимлигининг ёрдами билан ошхона, қўшимча ўқув биноси қуриб ишга туширил-

УСТОЗНИНГ ҒАЙРАТИ БАРЧАГА ЎРНАК

Имомовдир. Балиқчи тумани «Тошлоқ» маҳалласида 1950 йили туғилган Мирзапўлат Имомов бошланғич таълимни туғилиб ўсган қишлоғида олди.

Дастлаб 1-ўрта мактабда етакчи бўлиб иш бошлаган Мирзапўлат Имомов ёшларни ортидан эргаштира билди. Айни пайтда тиришқоқлиги, касби-га бўлган меҳри, ташкилотчилик қобилияти туфайли туман ёшлар кўмитаси аъзоси бўлди.

Мирзапўлат Имомов устозлари дарсларини мунтазам кузатиб, педагогик касб маҳорати сир-асрорларини ўрганди. Бу орада Андижон давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёт факультетига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тугатди ва мактабда педагог сифатида ҳам фаолият юрита бошлади. Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган таълим-тарбия соҳасидаги турли тадбирлар М.Имомов ташкилотчилигида ўтар эди.

Устоз таълим соҳасида бир қанча масъул вазифаларда ишлаб, ташаббускорлиги, тиришқоқлиги билан ишончли оқлади. Жумладан, 14-мактабда директор ўринбосари, туман китобсеварлар жамиятида масъул котиб, 1-мактабда директор лавозимида ишлаб, ўқитувчию ўқувчилар учун шарт-шароитлар яратиб берди. Мактабларнинг иситиш тизими, спорт майдонлари таъмирланиб, синф хоналари ва ўқув заллари қайта жиҳозланишида ҳам устознинг хизматлари катта.

1993 йили Балиқчи туман марказида 5-сон ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташкил қилиниб, унга туман мактабларидан иқтидорли болалар суҳ-

ди. Мактаб жамғармаси яратилди. Ўлочи ва қобилиятли ўқувчиларга жамғарма ҳисобидан стипендиялар берилди. Ўқувчилар туман, вилоят, Республика миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадаларида ҳамisha юқори кўрсаткичларни қўлга киритиб келяпти.

Унинг ташаббуси ва меҳнати билан таълим-тарбия, ташкилий педагогик ва услубий ишлар бўйича тумандаги ўқитувчи ва тарбиячиларнинг иш фаолиятларини таҳлил этиш мақсадида Низом ишлаб чиқилиб, таълим муассасаларида қўлланилди. Барча умумтаълим мактабларида «Мадад» гуруҳлари тузилиб, битирувчи синф ўқувчиларига режа асосида машғулотлар ташкил этилди. Шу йиллари туман мактабларида «Фан ҳафталиклари» ни ўтказиш аънамага айлантирилди.

ХТБ раҳбари М.Имомов савий-ҳаракатлари билан ўқитувчиларга қулайлик яратиш мақсадида тумандаги бир неча мактаблар базасида «Таянч услубий марказлар» ташкил этилди. Барча фанлардан «Туман ўқитувчиларининг илмий-услубий кенгашлари» тузилиб, улар Низом асосида муваффақиятли фаолият кўрсатди. Шунингдек, тумандаги илгор ўқитувчилардан иборат «Инновацион гуруҳлар» тузилиб, янги педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш бора-сида бой тажрибаларни тўпланди.

Қутлуг ёшда бўлишига қарамай ҳамон ҳаракатчан, шижоатли устоз Мирзапўлат Имомов ҳали кўп йиллар ёш ҳамкасбларига ўз тажрибаларини ўргатишдан чарчамайди.

Кодиржон АКБАРОВ,
Райҳона ХЎЖАЕВА

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

E'lon

Танлов номи: 2010 йилда умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчилари учун бериладиган ўрта махсус касб-хунар таълими тайёрлов йўналишларига тавсиянома бланкаларини харид этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 456-сонли қарори талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2010 йилда умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчилари учун бериладиган ўрта махсус касб-хунар таълими тайёрлов йўналишларига тавсиянома бланкаларини танлов савдоларини ўтказиш орқали харид этади:

Маҳсулот номи	Тили/ёзуви	Адади	Бичими/ранги	Қоғоз зичлиги	Маҳсулотнинг бир донасининг аниқланган максимал қиймати
ўрта махсус касб-хунар таълими тайёрлов йўналишларига тавсиянома	Ўзбек	598 000	15 x 20	200 гр.	160 сўм
	Лотин		4 + 4		

Танлов ўрта махсус касб-хунар таълими тайёрлов йўналишларига тавсиянома бланкаларини сифатли, арзон ва қисқа муддатда ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган юридик шахслар, жумладан, кичик бизнес субъектлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар иштирокида очиқ кўринишда ўтказилади.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар Танлов комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

— талабгорнинг банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси томонидан берилган маълумотнома;

лиш ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи давлат рўйхатга олиш идорасидан маълумотнома;

— талабгорнинг юридик шахс эканлиги тўғрисида давлат рўйхатга олиш идоралари томонидан берилган гувоҳнома ва тегишли ташкилот томонидан берилган нашр ишлари билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал идоралари томонидан тасдиқланган нусхаси;

— талабгорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган давлат солиқ инспекцияси маълумотномасининг асл нусхаси;

— маҳсулотни чоп этиш бўйича нарх таклифи;

— маҳсулотни етказиб бериш жадвали.

Куйидаги юридик шахслар танловда иштирок этиш учун қўйилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик арафасида турган;
- барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- илгари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни талаб даражасида бажармаган;
- танлов эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;
- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;
- маҳсулот бўйича ўз ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлмаган.

Танлов комиссиясининг кўрсатмаси асосида ишчи гуруҳи ишлаб чиқариш жойлари, технологик ускуналарнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш қуввати, хомашё ва материалларнинг захиралари ва бошқаларни жойида ўрганиш ҳуқуқига эга.

2010 йил 17 апрелдан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлимидан қўшимча маълумотларни олиш учун талабгорлар танлов таклифлари топширишнинг охиригига қадар ҳар куни (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 17:00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлими. Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 3-қават, 319-хона. Телефон: (+99871) 239-14-01, 239-40-83, Факс: (+99871) 239-40-81.

Танлов таклифлари 2010 йил 6 май соат 14:00 га қадар ишчи гуруҳ манзилига топширилиши керак.

ЮТУҚЛАРГА ЗАМИН ҲОЗИРЛАНМОҚДА

Хоразм терма жамоаси Тошкент шаҳрида ўтказилган «Универсиада—2007» спорт мусобақаларидаги мurosасиз курашлар интихосида фахрли 4-ўринга сазовор бўлган. Спортчи талабалар мазкур беллашувларда кураш бўйича умумжамоа ҳисобида иккинчи, дзю-до бўйича учинчи ўринга лойиқ топилган. Белбоғли курашда шахсий биринчиликда 1та бронза медаль олинган бўлса, кўл тўпи (қизлар) жамоаси 2-, футболчилар эса 3-ўринга муносиб кўрилган. Шунингдек, енгил атлетикачилар 1та кумуш ва 4та бронза медалларни ҳам кўлга киритган.

— Пойтахтда ташкил этилган 3 йил олдинги мусобақаларда 81 кг. вазн тоифасида кураш гиламига тушиб, рақибларимни доғда қолдиришга муваффақ бўлгандим, — дейди УрДУнинг жисмоний маданият факультети магистри Нурбек Искандаров. — Кескин курашлардан сўнг Хоразмга олтин медаль билан қайтдим.

Беллашувларда дзю-до бўйича УрДУнинг талабаларидан яна Дилмурод Махмудов 100 кг. ва

Юсуфбой Абдурахмонов 66 кг. вазн тоифасида куч синашиб, якунда бронза медалга соҳиблари бўлган. Бугун улар янада катта мусобақа — шу кунлари Сурия пойтахти Дамашқ шаҳрида бўлиб ўтаётган халқаро турнирда иштирок этишмоқда.

— Агар мусобақада голиб чиқсак, Сингапур шаҳрида бўлиб ўтадиган I Ёшлар халқаро олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритамиз, — дейди спортчи

«Universiada — 2010»

ёшлар сафар олди. Хўш, юртимизда ўтадиган «Универсиада—2010» мусобақаларига тайёргарлик қандай кетяпти? Бу ерда иқтидорли ёшларга қандай шароитлар яратилган?

— Жорий йилдаги «Универсиада» спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш бўйича олдиндан уч йиллик истиқболли дастур ишлаб чиқилиб, ишчи гуруҳи тузилган, — дейди университетнинг жисмоний маданият факультети декани Оллаберган Шарипов. — Ўтган давр мобайнида ўқув-тайёргарлик машғулоти ташкил қилинди. Университет профилакторийсига спортчилар жойлаштирилиб, машғулотлар ўтказиб келинмоқда. Ҳозир-

да олий ўқув даргоҳида жадвал асосида кунига икки марта машғулотлар олиб борилаётир.

Айни кунда спортнинг 12 тури бўйича жамоалар тўлиқ шаклланган УрДУдан 121 нафар, ТАТУ Урганч филиалидан 5 нафар, ТТА Урганч филиалидан 1 нафар, жами 127 нафар спортчи-талабалар вилоятнинг асосий терма жамоасини ташкил этади. Шу пайтгача машғулотларда асосан техник ва жисмоний ҳолатга эътибор қаратилган бўлса, эндиликда функционал, тактик ва психологик тайёргарликка ҳам алоҳида урғу берилмоқда.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА, «Ma'rifat» мухбири

СИНГАПУРГА ЙЎЛ ОЧИҚ

Пойтахтимизнинг «Ўзбекистон» спорт мажмуида бир неча кун олдин старт олган оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати ҳам поёнига етди. Мусобақада қитъадаги 20тадан ортиқ мамлакатнинг 200 нафардан зиёд спортчиси қатнашди.

Ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати қатнашчилари, аввал хабар берганимиздек, шу йилнинг 14—26 август кунлари Сингапурда бўладиган ёшлар ўртасидаги I Олимпиада ўйинлари йўлланмаларини кўлга киритиш учун курашди. Низомга кўра, йўлланмалар спортчиларнинг умумий натижасига қараб, юксак ўринларни банд этган жамоаларга берилди.

Юртимиз ўсмирлар жамоаси аъзоси Муҳаммад Юсупов энг юқори кўрсаткични қайд этиб, мухлису мутахассислар эътиборига тушди. 94 кг.гача бўлган вазн тоифасида даст кўтариш, силтаб кўтариш ва иккикурашда 3та олтин медалга эга бўлди. Зиёвуддин Қутбиддинов 1та кумуш ва 2та бронза, Мадийр Иброҳимов 1та бронза медални кўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида 2-поғонани банд этган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси олим-

пия лицензиясини ҳам совринлар қаторига қўшиб қўйди. Навбатдаги 4та йўлланмани Ироқ, Саудия Арабистони, Туркманистон ҳамда Шимолий Корея ўсмирлар терма жамоалари «ҳамёни»га солиб қўйишди.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда эса иқтидорли спортчимиз Марина Сисоева штангани даст кўтариш, силтаб кўтариш, иккикураш беллашувларида ҳаммаси бўлиб 3та бронза медалга эга бўлди. Шунинг ўзиёқ юртдошларимиздан иборат қизлар терма жамоасининг Сингапур олимпиадасига боришини таъминлади. Қолган йўлланмалар Индонезия, Филиппин ва Малайзия қизлар терма жамоаларига насиб этди.

Кунга кеча ўз якунига етган Осиё чемпионатининг иккинчи қисми — йигирма ёшгача бўлган оғир атлетикачилар мусобақасида асосий совринлар учун кураш ниҳоятда қизгин тус олди. Умидли спортчимиз Шерзод Рўзметов 69 кг.гача бўлган вазнда даст

Og'ir atletika

кўтариш бўйича 122 кг. натижа кўрсатиб, олтин медаль соҳиби бўлди. У силтаб кўтаришда бронза, иккикурашда кумуш медални ўзиники қилди. Баҳсларда муваффақиятли қатнашган Жаҳонгир Зиннатов эса 1та кумуш, 2та бронза медални кўлга киритди. Шу зайдда йигитлар ўртасидаги мусобақада Ироқ ёшлар терма жамоаси 1-ўринни эгаллаган бўлса, ватандошларимиз ва хитойликлар мос равишда 2 ва 3-ўринларни олди.

Қизлар беллашувида оғир атлетикачимиз Жанна Пуставарова даст кўтариш, силтаб кўтариш ва иккикурашда 3та кумуш медалга сазовор бўлди. Бибиойша Бўриева ва Дилафрўз Кандагарова 3тадан бронза медалга эгаси бўлди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбекистонлик оғир атлетикачилар умумжамоа ҳисобида Хитой ва Ҳиндистон полвонларидан кейин учинчи ўринни банд қилган ҳолда қитъамизда ўз ўрнига эга эканини исботлашди.

ОЛДИНДА ДОВОНЛАР КЎП

Тиниб-тинчимаслик, кўрсатган натижаларидан руҳланиш, ўзига талабчанлик каби хислатлар спортчи учун муваффақият гарови ҳисобланади. Евгениянинг галабалари тўғрисида гап кетганда, шундай фикрлар хаёлингиздан ўтади.

Евгения Каримова Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Мактабдаги жисмоний тарбия дарсларида баскетбол ўйнашни хуш кўрувчи Евгениянинг спортга меҳри кучайиб борди. Ундаги бу қизиқшнинг қатъий мақсадга айланишида мураббийси Олимжон Абдуллаевнинг ҳиссаси катта бўлди. Кейинчалик эса яққакураш турларидан бири — таэквандо билан шуғуллана бошлади. Таэквандо сирларини эса Барно Фармоновдан ўрганди. Гарчи олдинга анча қийинчиликларга дуч келган бўлса-да, ундаги ўзига нисбатан ишонч юксак марралар сари чорлади.

Шу сабабли ҳам Евгения бугунгача, таэквандо бўйича 9 карра Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлди. Унинг иқтидори халқаро майдонларда ҳам ўзининг муносиб баҳосини олган. 2006 йили Катарда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида кумуш медалга соҳибаси бўлиши бу борадаги муваффақиятларнинг дебчаси эди. У 2007 йили бўлиб ўтган «Корея Опен»да ҳам 2-ўринни эгаллади. Шу йили Вьетнамда бўлиб ўтган халқаро мусобақада Олимпиадага

йўлланмани кўлга киритган Евгения 2008 йилги Пекин Олимпиадасида спортчиларнинг энг яхши ўнталигидан жой олди. Шу йили республикамизда энг яхши спортчи қиз номинацияси бўйича Голиб деб топилди. 2009 йили Таиландда Шарқ яққакурашлари бўйича ўтказилган Осиё ўйинларида кумуш медалга соҳибасига айланди. Жорий йилда бўлиб ўтган «Америка Опен»да ҳам иштирок этиб, фақатгина финалда бироз омад этишмади. — Менинг шу пайтгача эришган ютуқларим келажак орзуларим учун заминдир. Чунки ҳали олдимда жуда катта довонлар бор. Жорий йил ноябрида бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларига тайёргарлик кўрмоқдам. Бундан ташқари, 2012 йили бўлиб ўтадиган Олимпиададан олтин медал билан қайтишни режалаштирганман, — деди Евгения биз билан суҳбатда.

Унинг орзулари рўёбга чиқишига тилақдошмиз.

Санобар ЖУМАНОВА, «Ma'rifat» мухбири



СИЛЬВА «АТЛЕТИК»НИ ЕНГДИ

Испания чемпионатида бир қатор тур орашувларида кўнгилдагидек ўйин кўрсатмаётган номдор жамоалардан бири «Валенсия» ва ниҳоят ўзига кела бошлади, дея ёзди испан нашрлари.



Премьернинг 32-турида ўз уйида «Атлетик Бильбао»ни қабул қилган «кўршала-лаклар» муҳим галабани кўлга киритишди. Эндиликда валенсияликлар бемалол бронза медални нақд қилиб қўйган жамоа сифатида хотиржам тўп суриш имкониятига эга бўлди. Боиси, чемпионат жадвалида тўртинчи ўринда бораётган «Мальорка» клуби ҳисобида 52 очко бор. «Валенсия» эса кечаги зафаридан сўнг 59 очко жамғаришга муваффақ бўлди. Рақиб дарвозасига голларни 35 ва 62-дақиқаларда ажойиб плеймейкерлардан бири Давид Сильва йўлади. Эслатиб ўтамиз, Испания биринчилигида «Барселона» 83 очко тўплаган ҳолда етакчилик қиляпти. Иккинчи ўринда бораётган «Реал»да эса 80 очко бор. Қолган бта турда айнан шу икки азалий рақиб олтин медалга учун курашиши тахмин қилинапти. Дарвоқе, 33-турда «Валенсия» «Реал» меҳмони бўлади.

олат жадвалида тўртинчи ўринда бораётган «Мальорка» клуби ҳисобида 52 очко бор. «Валенсия» эса кечаги зафаридан сўнг 59 очко жамғаришга муваффақ бўлди. Рақиб дарвозасига голларни 35 ва 62-дақиқаларда ажойиб плеймейкерлардан бири Давид Сильва йўлади. Эслатиб ўтамиз, Испания биринчилигида «Барселона» 83 очко тўплаган ҳолда етакчилик қиляпти. Иккинчи ўринда бораётган «Реал»да эса 80 очко бор. Қолган бта турда айнан шу икки азалий рақиб олтин медалга учун курашиши тахмин қилинапти. Дарвоқе, 33-турда «Валенсия» «Реал» меҳмони бўлади.

МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛДИ

АҚШнинг Флорида штатидаги Санрайз шаҳрида профессионал бокс кечаси ташкиллаштирилди. Унда WBC таснифи бўйича ярим ўрта вазнда чемпионлик камари соҳиби Андре Берто ўз унвонини ҳимоя қилди.

У мазкур йўналиш бўйича собиқ чемпион пуэрторикалик Карлос Кинтан билан мушталашди. Жанг аввалида икки боксчи бир-бирини ўрганиш эмас, аксинча, тезроқ маҳв этишга киришиб кетгандек тасаввур уйғотди. Айниқса, Кинтанинг фаоллиги мухлисларда умид учқунларини пайдо қилган. У учинчи раундгача амалдаги чемпионга ҳужум уюштириб, бир неча очко тўплашга ҳам эришди. Бироқ вазиятни бой бераётган Берто 4-раундда «уйғонди». У шундан кейин Кинтанга олдинга ўтиш учун имкон бермади. Саққизини раундга келиб, чемпион ҳужумга киришди. Кетма-кет берилган аниқ зарбалар Карлосни буткул ҳолдан тойдирди ва рефери мушталашувни мuddатидан аввал тугатишга мажбур бўлди. Шу тариқа Андре Бертонинг ҳисобига навбатдаги техник нокаут галабаси эзиб қўйилди.



ОММАЛАШТИРИШ КЕРАК

«Ассошиэтед Пресс» берган маълумотга кўра, 2004 йилдан буён ўтказиб келинаётган Хитой гран-присининг 2011 йилги тақвими очилиши ҳақида «Улкан совринлар» раҳбари Берни Экклстоун хабар берди.



Амалдаги шартномада қайд этилишича, пойга Шанхай шаҳрида етти йил бўлиши керак эди. Аммо «Формула-1» раҳбари Экклстоун шахар маъмуриятида миннатдорлигини билдириб, ҳамкорлик давом эттирилиши мумкинлигини эътироф этган: «Шартномани давом эттириш ниятидамыз. Боксчи мусобақалари келгуси йили Шанхайда ўтади». Айни дамда хитойлик журналистлар пойгадан халқ фойда эмас, кўпроқ зиён кўраётгани борасида тинимсиз равишда мақолалар ёзишяпти. 200 минг нафар томошабинга мўлжалланган улкан инфраструктура охирига етмаган, улкан трасса ён-бошига ўрнатилган трибуна ўриндиқлари бўм-бўш турибди. Экклстоунга билдирилган эътирозлардан яна бири — Гран-прининг оммалашмаётгани ва аҳолида унчалик ҳам қизиқиш уйғонмаётганлигидир.

Дурдона СУЛТОНОВА ва Махлиё АЛИКУЛОВА тайёрладилар.

2010 йил 10 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010-2011 ўқув йилида умумтаълим мактаблари учун чоп этилган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни жойларга етказиб бериш бўйича тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги эълонга ЎЗГАРТИРИШ.

Барча тендер таклифларига тендер таклифи суммасининг 3 (уч) фоиз миқдоридидаги бўнак суммаси, ўрнига «1 (бир) фоиз миқдоридидаги бўнак суммаси» деб ўқилсин.

Maktabgacha ta'lim muassasalarida





«O'YNAB O'RGANAMIZ»

Shayxontohur tumanidagi 71-maktabgacha ta'lim muassasasi jamoasi o'sib kelayotgan avlodni har tomonlama sog'lom va barkamol etib voyaga yetkazish borasida keng qamrovli ishlarni amalga oshirmoqda. Bugungi kunda bu yerda 325 nafar bola tajribali pedagog xodimlardan ta'lim va tarbiya olmoqda. Mazkur maktabgacha ta'lim muassasasida barcha sharoitlar yaratilgan bo'lib, ko'rgazmali vositalar, yumshoq o'yinchoqlar-u qo'g'irchoqlar bolajonlar ixtiyorida.

Suratlarda: Shayxontohur tumanidagi 71-maktabgacha ta'lim muassasasi faoliyatidan lavhalar.

Muhammad AMIN (O'za) olgan suratlardir.



Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir vazifasini vaqtincha bajaruvchi: Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-322. Tiraji 40954. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir: Oybuvi OCHILOVA.

Navbatchi: Zohidjon XOLOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi. belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonalar manzili: «Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.00. Uza yuqum — 21.00